

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№ 61 — 62

(2598 — 2599)

1993 йил

6 АВГУСТ

ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН
НАРХДА

БУГУНГИ СОНДА:

2-БЕТ.

Қидирувни участка вакили
олиб борди.

3-БЕТ.

Номи абадийлаштирилса...
Болаларга кўз-қулоқ бу-
линг.

5-БЕТ.

Муаммолар ҳали кам эмас.

6-БЕТ.

Тадбир амалда.
Гиёҳвандликка чек қўйиб
бўладими?
Эҳтиёткорлик унутилганда

7-БЕТ.

Олмаликдаги учрашув.
Милиция фахрийси.

8-БЕТ.

Қутқарув хизмати.
Ёшларнинг ҳарбий-спорт
лагери.



Фақат сув билан даволайди

ИИБ Марказий поликлиникаси бошлиғининг ўринбосари Д. Хамидова жуда ҳаяжонланмоқда эди. ИИБ Фахрийлар кенгаши аъзолари, истеъфодаги полковниклар Р. Холматов билан А. Аҳмедов, аксинча, хотиржам эдилар. Хамидова ҳар бир икки-чирни ҳам текшириб кўрмоқчи бўлар ва шу сабабли бир жойда тинч тура олмасди... Поликлиниканинг сув билан даволаш бўлими очилишига 30 дақиқа қолган эди.

Ўз умрида кўп нарсани бошидан кечирган фахрийларни ҳайратда қолдириш осон иш эмас. Лекин уларнинг чехрасидан Дилоромдан мамнун эканликлари сезилиб турарди.

— Кўринишдан нозиккина бўлсада, кучли иродага эга эканлигига ҳавасингиз келади, — деди уни таърифлаб ИИБ тиббий бошқармасининг собиқ бошлиғи Рауф ака Холматов. — У поликлиниканинг бекор етган пастки қаватидаги хоналарни гидротерапия бўлимига айлантиришни таклиф қилганди. Кўпчилик бунинг амалга ошишига ишонқирамади. Хоналар эски-туски нарсалар омборига

айлантириб қўйилган эди. Бунинг устига сантехника коммуникацияларини қаерга олиб чиқиш мумкин? Хуллас, ишни бошламасдан йиғиштириб қўйиш ҳаммасидан осон эди.

Лекин Дилором Азизовна ўз фикрида қаттиқ туриб олди. У ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-лейтенанти З. Алматовга мурожаат қилди. Вазир унинг фикрини қўллаб-қувватлади.

Ҳозирги пайтда хизматчиларнинг ҳаммаси ҳам оиласи билан, ҳеч бўлмаганда ўзи даволаниш учун бирор курорт жойга боролмайди. Гидротерапия билан даволаш бўлими ишга туширилганидан сўнг поликлиникада даволаниш учун энг кенг имкониятлар очилди. Мен кўпгина касалхоналарнинг гидротерапия бўлимида бўлганман, шунинг учун бизнинг поликлиникамида у энг яхшилардан бири деб ишонч билан айта оламан. Уни Мудофаа вазирлигининг ердамида жуда қисқа муддатларда куриб битказилди.

Д. Хамидова сув билан даволаш бўлимини куришга ижозат олиш учун турли идораларга уч ой қатнади.

Ниҳоят ижозат олинди. Бунда унга истеъфодаги генерал-лейтенант Б. Сирождидинов раҳбарлик қилаётган ИИБ фахрийлар кенгаши катта ердан берди. "Технолог" ИИБ ходимлари лойиҳа ишларини икки ҳафта ичида битказиб беришди. Бўлим курилишида тиббиёт ходимларининг ўзлари ҳам ишларек эдилар.

Гидротерапия шифохонаси таркибида қатор ванналар, душхона

мавжуд. Уларни санаб ўтиришга ҳожат бормикин? Яхшиси, ўзингиз келиб даволанинг.

Гидротерапия бўлимининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Э. Халитов, мудофаа вазири Р. Аҳмедов, ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Р. Ҳайдаровлар иштирок этдилар.

С. ГАПИЧ.

Суратларда: Ўзбекистон ИИБ Марказий поликлиникасида сув билан даволаш бўлимининг очилиши.
Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.



ТОШКЕНТНИНГ БИР ТУНИ

Кейинги пайтда республика ИИБ ва Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш борасида имкони бўлган ҳамма ишни қилмоқда. "Комплекс", "Тун", "Қорадори", "Ғамхўрлик" ва бошқа шартли ном билан аталган йирик миқёсда тезкор-профилактика тадбирларини ўтказиш давомида куч ва воситалардан режа асосида мунтазам равишда фойдаланмоқда.

Яқинда Тошкентда навбатдаги "Таран" тадбири ўтказилди. Уни

ўтказишда республика ИИБ ва Тошкент шаҳар ИИББнинг ва жойлардаги ички ишлар идораларининг ходимлари сафарбар қилинди. Бу тадбирда "Постда" — "На посту" мухбирлари ҳам иштирок этишиб, тун давомида олган таассуротларини оққа кўчирдилар.

Бугун шу тадбирда қатнашган биринчи мухбир кўрган-кечирганларини эътиборингизга ҳавола этаймиз. Бу материални газетамизнинг 2—3-саҳифаларида ўқийшингиз мумкин.



Суратда: милиция капитани Комил Эшимов.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

Икки жума оралиғида

ТАЛОНЧИ

МАРҒИЛОН шаҳрида яшовчи 1-кўчма механизациялашган колонна ишчиси Мадаминбек исми йигит "ишбилармон" чиқиб қолди. Нега дейсизми?

Гулдай ҳунари бўла туриб яна талончилик билан ҳам шугулланар экан.

Шу йилнинг 11 июль куни "Нарғиз" тижорат магазини ҳисобчиси Гулнора Мадалиева тушлик қилиб келиш мақсадида уйга кетаётганида Мадаминбек унинг сумкасини юлқиб олиб қочди. Агар тезкор гуруҳ ходимлари бу йигитни ушламаганларида, Гулнора 231 минг сўмидан айрилиб қолган бўларди.

УЙИДА ҚУРОЛИ БОР

ЎЗБЕКИСТОН тумани Нурсуҳ қишлоқ Кенгашига қарашли қишлоқлардан бирида истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Шоҳид исми шахснинг уйи кўздан кечирилганда 36 грамм наркотик модда, 11 дона ТОЗ-6 ва уч стволли қирқма милтиқ топилганини туман ИИБ хабар қилади.

Ушбу иш юзасидан тергов ишлари кетаяпти.

ОҚИБАТСИЗ ҚЎШНИЛАР

ХАЛҚИМИЗДА "Ен қўшнинг, жон қўшнинг" деган ибратли хикмат бор. Ҳақиқатда ҳам девор-дармиён қўшни оқибатли, аҳил бўлса туғишганидан афзал. Аммо қўшнилар орасидан ола мушук ўтиб қолсачи?

Наманган шаҳар "Мингчинор" даҳасида яшовчи икки қўшни О.Р. ва К.А. нима сабабдандир жанжаллашиб, гап талашиб қолишди. Иккала қўшни ҳам бир-бировларидан қолишмай, бараварига жаҳл отига қамчи босишди. Жанжал кучайиб, охири муштлашнинг айланди. Оқибатда қўшнилардан бири қир тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилди.

Худди шундай оқибатсиз қўшнилар Чуст шаҳрида ҳам бор экан. Мазкур шаҳарнинг Пахтаобод кўчасида яшовчи, 57-автосарой ҳайдовчиси В.О. ён қўшниси ва ҳамкасби М.А. билан жанжаллашиб қолиб, ошпичоқ билан чап ҳамда ўнг биқинига, сўнгра бўйнига жароҳат етказди. Эҳтимол тан яраси битиб кетар, аммо дил яраси битармикин?

ЎҒРИ СОТУВЧИ ЭКАН

ШУ ЙИЛНИНГ 4 июль куни кечаси номатълум шахс Чортоқ туманидаги 2-болалар богчаси тарбиячиси Лутфия Аҳмедованинг сигирини ўғирлаб кетган эди. Воқеадан хабар топган милиция ходимлари ўғрининг изига тушишди. Қидирув ишлари натижасида ўғри йигит топилди. У Янгиқўрғон туман матлубот жамиятида сотувчи бўлиб ишловчи Ж.Р. экан.

МАДИНА ТОПИЛДИ

1975 ЙИЛДА туғилган чортоқлик Мадина Исмоилова шу йилнинг 15 май куни уйдан чиқиб кетиб қайтиб келмаган, яъни бедарак йўқолган эди. Қидирув ишлари натижасида Мадина яқинда қўшни Андижон шаҳридан топилди ва ота-онаси бағрига қайтарилди.

ҚОТИЛ ҲИБСГА ОЛИНДИ

ШУ ЙИЛ 24 июнга ўтар кечаси Дўстлик тумани 5 "а" -мавзесида яшовчи 1929 йилда туғилган нафақахўр Клавдия Ивановна Похолконинг бошига номатълум шахс уриб оғир тан жароҳати етказди. Кекса аёл касалхонага ётқизилди ва у орадан уч кун ўтгач вафот этади.

Ҳўш, ким, нима учун унинг жонига қасд қилган бўлиши мумкин? Ана шу саволга жавоб топиш мақсадида қидирув ишлари олиб борилди. Натижада қотил топилди. У юқоридаги манзилгоҳда истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1962 йилда туғилган А.П. бўлиб чиқди.

ТОШКЕНТНИНГ БИР ТУНИ

(Давом. Боши 1-бетда).

Мухарририятдан чиқиб, тўғри тадбир режа-таксимот (развод) йигини ўтказиладиган Глинка кўчасига қараб йўл олди. Манзилга етиб борганимизда режа-таксимот бошланишига роппа-роса ўн беш дақиқа қолган эди. Развод ўтказиладиган кенг асфальт майдонда тунги хизматга шай қилиб қўйилган транспорт, нарироқда эса милиция формалари гавдаларига ярашиб турган гуруҳлар, турли туман вакиллари сафланиб туришарди. Сафдаги осойишталик посбонларининг чеҳраларини зимдан кузатаман: қарашлари жиддий, тетик. Катта-кичик изқувар итларнинг ҳаракатларини кузатиб юриб, майдон пастроғида хушёр турган йигитлар қуршовига бориб қолибман.

— Исмингиз нима? — деб сўрайман ўнг қанотдаги йигитдан.
— Анвар.
— Бугунги тадбирга шаймисиз?
— Албатта.
— Жанговар қурол билан юриш осонми?

— Албатта осон эмас, бироқ баъзан вазият шуни тақозо қилиб қолиши мумкин-ку.

Гапимиз шу ерда узилиб қолди. Мен Анварнинг фамилияси, қаерда хизмат қилишини билишга улгурмадим. Майдон узра: «Сафланг! Смирно!» — хитоби янгради.

Тошкент шаҳар ИИББ Жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи, милиция майори Бахтиер Субанов Бош бошқарма бошлиғининг биринчи муовини, милиция полковниги Турсунхон Худойбергеновга бугунги режа-таксимот йигинига шахсий таркиб шайлиги ҳақида ахборот берди. Биринчи муовин шартли равишда

«Таран» деб номланган тадбирга киришишдан олдин тегишли йўл-йўрик берди. Жиноят қидирув, йўл-соқчилик, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, қўриқлаш хизмати ходимлари вужудлари қулоққа айланиб раҳбарларнинг гапини тинглашди.

— Бугунги кунда жиноятчилар билан юзма-юз келиш оддий ҳолга айланиб қолди, — деди Турсунхон Худойбергенов сўзининг охирида. — Бироқ дуч келган киши киефасида ашаддий муттаҳамни кўриш адолатдан эмас. Милиционер халқнинг кўзига ола кўринмаслиги, халқнинг осойишталигини бузаётган ҳар қандай жиноятчи билан кескин курашиши керак.

Шундан сўнг гуруҳларга ажратилиб, улар зиммасига вазифалар юклатилди. Навбат менга келганда раҳбарият пойтахтнинг марказий участкасидан ишни бошлашни таклиф этди ва 091 экипажга бириктириб қўйишди. Ҳали экипаж аъзолари билан танишиб улгурмай ок-сарикдан келган йигит енимда пайдо бўлди. У Чилонзор тумани ички ишлар бошқармасининг биринчи бўлими бошлиғи, милиция майори Владимир Васильевич Салабоев экан.

— Ҳозиргина рациядан хабар қилишди: Гулистон, 59 да номушта тажовуз бўлибди. Истасангиз, воқеа жойига борамиз.

Рози бўлдим. 02-91 ТНА рақамли машинага ўтирарканман, бир томондан вақтни бекорга ўтказмайдиган бўлдим-да, деб суюнсам, иккинчи томондан ишни «тажовуз»дан бошлаганимдан б.роз кўнглим оғриди. «Ахир бир кизнинг номуши паймол этилди-ку, мен бўлсам...» Ҳаёл билан бўлиб экипаж аъзолари билан танишишни ҳам унутмаёзиман.

— Мен, милиция сержанти

Мурод Мирзахўжаев бўламан, — деди кўлимни маҳкам қисиб чап енимда ўтирган хайдовчи очик чехра билан.

— Демак, адаш эканмиз-да.

Орқа ўриндикда ўтирган камсухан йигит милиция сержанти Кувондик Бобожонов экан. Сухбат орасида Тошкент давлат техника дорилфунунида сирдан бешинчи курсда таҳсил кўришини, икки ўғли борлигини билиб олдим.

Мурод Мирзахўжаев шаҳар ИИББда пост-соқчилик хизмати Протасида хайдовчи бўлиб ишлаётганига ўн икки йилдан ошганини айтди.

— Фарзандларингиз борми? — деб сўрайман Мурод Мирзахўжаевдан.

— Албатта-да, ахир ҳаёт фарзанд билан ширин-ку! Бир киз, иккита ўғлим бор. Бирим ширинки улар. Баъзан тунги навбатчиликдан уйга хориб-чарчаб қайтаман. Уйга кира солиб тўшаққа етаман, дейман ўзимча, остона ҳатлаётим. Бироқ фарзандларим кучоғимга отилиб келишса, тунги чарчокдан асар ҳам қолмайди. Инсон фарзанди билан тирик экан.

Мурод аканинг самимий, одамохун, касбининг устаси, ажойиб инсон эканлигига тун давомида кўп марта ишонч ҳосил қилдим.

— Мана, етиб ҳам келдик, — деди у янги қурилган бинони кўрсатиб. — Ана бошлиқнинг ўзлари.

Владимир Васильевич ҳаракатлари чаққон, жисмоний бақувват, бизлар тенги йигит эди. У мени хонасига таклиф этди ва телефон орқали тажовуз билан боғлиқ ҳужжатларни олиб келишни сўради. Ҳужжатларни келтиришгунча бўлим қачон ташкил этилгани, ўзи қачондан бу-

ён милицияда ишлаётгани билан қизикдим.

— Мана шу сиз ўтирган бинони 1990 йилнинг август ойида ҳашар йўли билан қуриб битказгандик, — деди у босиқлик билан. Бўлимимиз айни пайтда 120 минг аҳолига хизмат қилади. Асосан турар-жой, саноат қорхоналари, отчопарлар, автомашина бозори ва 20-мавзе аҳолиси осойишталигини сақлаймиз. Ана шу қисқа муддат ичида ҳар бир ходимимиз турар-жой бинолари, қорхоналар ишчи-хизматчилари билан яқиндан танишиб олишга улгурдилар. Шунданми, ярим йил ичида худудимизда содир этилган биронта ҳам оғир жиноят очилмасдан қолгани йўқ. Йил бошидан буён худудда 172 та жиноят қилинган бўлса, шундан 159 тасини очганмиз.

— Аҳоли кун сайин кўпайиб бормоқда. Демак, содир этилаётган жиноятлар сони ҳам ошиб боради. Уларни очишда ходимларингиз сон жиҳатдан камлик қилмайдими?

— Гапингизни тушундим. Ҳар ҳолда янги бинога кўчиб ўтган дастлабки йили ички ишлар бўлими жиноят-қидирув бўлинимасида тўрт нафар тезкор вакил фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони еттигача етди. Шу йиллар ичида терговчилар сафи иккитага, участка вакиллари ҳам бир мунча кўпайди. Ходимлардан нолимайман. Уларнинг ҳар бири интилувчан, изланувчан, жисмоний жиҳатдан чиникқан йигитлар.

— Бариси ўзингизга ўхшар экан-да! — ҳазил қилиб жиддий вазиятга қувноклик киритмоқчи бўлдим.

— Осойишталик посбони жисмоний жиҳатдан чиникмаган бўлса, ундан бирон натижа кутиш мумкин эмас. Жисмоний чиникқан ходимгина жиноятчилар, барча турдаги қаллобларнинг юзига тик

қарай олади.

Эшик очилиб, ешгина, баланд бўйли йигит одоб билан киришга рухсат сўради.

Бошлиқ йигит узатган ҳужжатларга бир сидра кўз ташлаб олгач, сўзида давом этди:

— Мана бу ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, 1980 йилда туғилган Марина (исмлар ўзгартirilган) исмли 7-синф ўқувчисини Вика, Надя, Ана исмли қизлар алдаб Гулистон кўчасида истиқомат қиладиган Андрей исмли йигитнинг хонадонига бошлаб борадилар. Хонадонда Андрей билан бирга 1974 йилда туғилган Вадим исмли йигит ҳам бўлган. Хуллас, уч дугона вазифаларини бажариб, хонадонни тарк этишди. Шундан сўнг аввал Андрей, кейин Вадим Маринани мажбурлаб номуштага тегишди.

Маринанинг гапига қараганда Андрей билан Вадим уни уч кун хонадондан чиқармай ушлаб туришган. Марина уларнинг уйда йўқлигидан фойдаланиб қочиб қолади. Ҳозир ходимларимиз Марина билан Вика, Ана, Надяларни қидириб кетишди. Андрей сўроқ қилинапти. Истасангиз сўроқда иштирок этишингиз мумкин.

Мен рози бўлдим.

— Андрей, Маринани ким бошлаб келди? — сўради терговчи.

— Вика, Надя, Ана.

— Сен уларни қаердан танийсан?

— Улар илгари бизнинг мавземизда яшашарди. Ҳозир Яккасарой туманида туришди.

— Улар билан аввал Марина ҳақида гаплашиб олганмидинглар?

— Ҳа.

— Нима эвазига?

— Уларга ҳеч нарса ваъда қилмаганман.

— Ҳўп, шундай ҳам дейлик. Маринанинг номушига ким олдин тажовуз қилди?


— Мен, бироқ тажовуз қилган эмасман, ўзи рози бўлганди...

Мен тергов материаллари билан танишиб ўтириб, бу воқеага на терговчи, на бошлиқ, на мен ҳозирча бирон аниқлик киритолмаслигимизни яхши билсам-да, ўзимча мулоҳаза юритиб кўришни лозим кўрдим.

Ўзингиз ўйланг, қайси тарбия қўрган киз ўзига таниш бўлмаган шахснинг хонадонига бориб, номаълум йигитлар билан қолишга рози бўлади? Марина уч кун Андрейнинг хонадонига гаштини сураётганида унинг ота-онаси хотиржам юришганига қойил қоласан киши. Хуллас, бу иш якунлангач, у ҳақда батафсил маълумот беришга аҳд қилдим.

Икки ишлар бўлими бошлиғи бизни кузатиб қўяр экан, мана шундай тез-тез келиб, ҳамкорлик қилиб туришни сўради.

Мурод ака машинасини ўт олдирач, Чилонзор тумани ички ишлар бошқармасига кириб ўтишни таклиф қилди.



УЙИНИ ўғри ургани ҳақида Зулхумор биринчи бўлиб Бекобод шаҳар ИИБ катта участка вакили А. Мирзақуловга хабар қилди. У кўз ешларини аранг тийиб, оила аъзолари билан уч кунга қариндошлариникига меҳмонга борганлигини, кетиш олдида эшикни қулфлаганлигини, қайтиб

йўналиш бера оладиган ахборот тўплашга киришди. Милиция ходими шу уйда яшовчи кишилардан сўраб чиқди, лекин ҳеч қандай из топилмади.

Унинг штатсиз ходими нафақадор К. Воҳидов боши берк кўчадан чиқиб йўлини топиб берди. Унинг айтишича, ўғирлик арафасида катта участка вакили

билмайман, кўрмаганман деб жавоб берарди.

Абдуқодир Холбоевич сўрашни тўхтатди ва хонанинг жиҳозларини диққат билан кўздан кечира бошлади. Сервантда турган, олти киши чой ичишига мўлжалланган сервиз эътиборини тортди. Зулхуморнинг хонадонидан ҳам

хонадонидан икки марта бўлди, кўнгирокни чақди, лекин ҳеч ким жавоб бермади. Агар нотаниш кишини учратганида, эҳтимол, бир ўзи ўғирликка тушармиди.

Нотаниш киши ҳеч кимга эшиттирмасдан Алишердан эгаси томонидан қаровсиз қолдирилган бирорта хонадонни кўрсатишни сўради, бунинг эвазига қуруқ

жиноятчи Бекобод шахрида бундан ташқари яна 9 хонадонга ўғирликка тушгани аниқланди. У ерлардан ҳам радио ва телеаппаратура, гиламлар, тилла буюмлар ўғирланган.

Ўғирланган нарсаларни у қўшни мавзеларда арзон-гаровга пуллаган. Ўғирланган нарсаларни «сув» қилишга кўпинча ўғрига ердам бераётганини билмаган ўсмирлар жалб этилган.

Мирзақулов томонидан очилган жиноят воқеа етмаганлар билан ишлашни шаҳар назорат ишида баъзи бир камчиликлар борлигини ҳам маълум қилиб қўйди.

Ана шу ҳодиса ўсмирлар нотаниш кишиларга ҳаддан ташқари ишонувчанлигини кўрсатди. Озгина тақдирлаш ҳисобига улар қонунга қарши оёқ қўйишга тайёрлар.

Ўсмирлар баъзи катталарнинг елғони ва макридан ҳимоя қилиниши керак. Бунга ердам бериш эса милициянинг вазифасидир.

Ш. АХМЕДОВ,
милиция подполковниги.

ҚИДИРУВНИ УЧАСТКА ВАКИЛИ ОЛИБ БОРДИ

келганда эса музлатгич, гилам, палос, идиш-товоқ ва тилла буюмларни топа олмаганини айтди.

Катта участка вакили қақирган тезкор-қидирув гуруҳи зарур ишларни қилди. Бармоқлар изларига асосланиб, эксперт хонадонга икки нафар жиноятчи тушганлигини, улардан бири ўсмир эканлигини аниқлади.

Жиноят қидирув ходимлари ишга киришдилар. Мирзақулов уларга ердамлашаркан, ўзи ҳам мустақил равишда текширишни бошлаб юборди.

Абдуқодир Холбоевич жиноятчини қидиришда тўғри

яхши танийдиган Алишер исмли ўсмирни ўз мавзеида қўрган. Бу ўсмир ўғирликлар хусусидаги жиноий ишлар бўйича бир неча бор тергов қилинган, лекин воқеа етмаганлиги учун енгилгина қутулган эди.

Карим аканинг сўзлари Мирзақуловни қизиқтириб қўйди, у тезликда ўсмир билан суҳбатлашиш учун йўл олди. Йўлда бораркан, фикран суҳбатнинг режасини тузди. Лекин Алишер 13 ёшга кирган бўлсада, ўз ишига пухта бўлиб чиқди. У катта участка вакилининг саволларига нукул

худди шундай сервиз ўғирланган эди.

— Мана бу сервиз қаердан келиб қолди? — деб сўради милиция ходими сервантдаги идишларни кўрсатаркан, — мен биламан, бу сенга қарши далил бўлади.

Ўсмир ҳаяжонланди, сўнгра бир оз ўйланиб, ўғирликни бўйига олишга қарор қилди.

Бир ҳафта олдин қўшни мавзеда футбол ўйнаётган Алишер тўрхалталар кўтарган Зулхумор болаларни етаклаб уйдан чиққанини кўрди.

Ўсмир сўнгра унинг

қўймаслигини ваъда қилди. Алишер Зулхуморнинг хонадонини эслади.

Шундан сўнг иккаласи «иш»да қатнашди. Кўрсатган ердами учун нотаниш киши ўсмирга сервизини берди.

Ўсмирнинг сўзларини эшитиб бўлгач, Мирзақулов нотаниш кишининг манзилгоҳини сўради. Алишер бунга билмас экан, лекин у яшаган уйни кўрсатишга рози бўлди.

Катта участка вакили жиноятчини қўшни вилоятда ушлади. Тергов вақтида ана шу

Навбатчилик қисмидан жиноят-қидирув бўлимига кўтарилдик. Кираверишдаги хонада уч нафар йигит нималарнидир маслаҳатлашиб ўтиришарди. Улар бизни кўриб пешвоз юришди.

— Мухбир ака, кираверинг, тортинманг, — деди ёшгина йигит ўзини таништириб.

— Келганингиз яхши бўлди, ҳозиргина Тошкент метросини муҳофаза этадиган бўлим ходимлари наркотик модда билан номаълум шахсни қўлга олишди. Беш, ўн дақиқа ичида уни олиб келишади.

Мен «меҳмон» келгунга қадар жиноят-қидирув бўлими ходимлари шу кеча-кундузда олиб бораётган ишлар билан таниша бошладим. Шу пайт бошқарма навбатчиси кўнгирак қилиб, Чилонзор-8, 56-уйнинг I-хонадони соҳиби туман терговчисини итга талатгани, натижада унинг қўли жараҳатланганини маълум қилиб қолди. Йўл-йўлакай жиноят-қидирув бўлимининг тезкор вакили, милиция лейтенанти Раҳимжон Қосимовдан бу хонадонда Геннадий Юрьевич Каргин истикомат қилишини, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Мажмуасининг 104-моддаси билан жиноий иш қўзғатилганини (нафақа тўлашдан қасддан бош тортгани учун), илгарим, уч марта судланганини билиб олдим.

Воқеа жойига етиб келган жиноят-қидирув бўлими бошлигининг ўринбосари, милиция катта лейтенанти Игор Шанин, шу бўлимининг тезкор вакиллари, милиция лейтенантлари Фарход Алимов, Раҳимжон Қосимовлар Геннадий Каргинни қўлга олдилар. Дастлаб Геннадий қаршилиқ қилиб кўрди. Бирок кучлар тенг эмаслигига ишонч ҳосил қилгач, таслим бўлди.

Мен жараҳатланган терговчи милиция катта лейтенанти Мухтор Исмоиловни суҳбатга тортдим.

— Мухтор ака, қўлингизга нима қилди?

— Геннадий Юрьевич Каргин устидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Мажмуасининг 104-моддаси билан жиноий иш қўзғатилган. Мен

уни бир марта сўроққа чақириб, унга ишга жойлаштишни ва иш жойидан тавсифнома, ишлаётгани ҳақида маълумотнома олиб келишини тайинлаган эдим. Бироқ орадан бир ойдан кўп вақт ўтиб кетган бўлса-да, у мени кўрса чап бериб кетадиган бўлди. Уйига бир неча марта кўнгирак қилдим, чақириқ қоғози юбориб огоҳлантириб кўрдим. Бўлмади. Бугун унинг уйига ўзим бордим. Сабаби, жиноий иш муддати ўтиб кетаяпти. Рухсат сўраб уйига кирдим. Уйда ўзим, онасиам ғирт маст ўтиришарди. Мақсадга ўтишим билан анави ҳўкиздай итини устимга солиб юборди. Қандай қилиб хонадан қочиб чиқганимни билмайман. Ташқарига чиққанымдан сўнг ит қўлимни тишлаб олганини билдим. Ҳамма гап шу.

Мен терговчининг оқариб кетган юзига, қон томаётган қўлларига тикилганча қолдим. Вужудим негадир қалтирарди.

Гўё терговчининг вужуди вужудимга кўчгандек. Зум ўтмай «Тез ердан» машинаси келди. Терговчига биринчи ердан кўрсатилди. Хўш, энди шу билан бу воқеага нуқта қўйса бўладими? Йўқ, албатта. Милиция ходими хизмат вазифасини бажараётганда жараҳатланди. Қонуншунослар, жараҳат етказган шахсга нисбатан қандай чора белгилашаркан?

Биз бу ҳақда газетамизнинг келгуси сонларидан бирида батафсил хикоя қиламиз.

Туман ички ишлар бошқармасида бизни Тошкент метросини муҳофаза этадиган ИИБ жиноят-қидирув бўлимига тезкор вакили, милиция лейтенанти Исмаилов Бейсенов кутиб ўтирган экан. Унинг енида кийим-бошининг ранги униқиб кетган, малла киши ер тизиб турарди.

— Валерий Максимов, — дея уни таништирди лейтенант. — Собир Раҳимов метро бекатида милиция катта сержанти П. Кенжебеков томонидан қўлга олинди.

В. Максимов Қарағанда вилоятининг Тельман туманидаги

Оқтов қасабасидан экан. Ўзининг айтишича, республикамизга келиб қолганига беш йилдан ошган. Ўйланмаган, ҳеч қаерда ишламайди, дуч келган жойда тунаб юради. Ёнидан 36,1 грамм марихуана топилган. Экспертиза буни тасдиқлади.

— Сиз марихуанани нима қиласиз?

— Чекаман. Ўзингиз яхши биласиз, сигарет ҳозир жуда қимматлашиб кетган, бунақа ўт эса сув текин.

— Нега ўйланмаганиз?

— Шунақа оғир замонлар келишини, кейин алимент тўлашдан бўйин товлаб юриш эркак кишига иснод эканини яхши билардим.

— Шунақа ақлли экансиз, нега ишламайсиз?


— Мен биринчи гуруҳ ногирониман. Тўғри келмайди...

Милиция ходимлари В. Максимовнинг шахсини аниқлашга киришишди. Унинг Тошкентга қачон, қандай мақсадда келиб қолганини, шу пайтгача нима эвазига ҳаёт кечириб юрганини аниқлаш керак эди. Мен эса туман ИИБ бошлиғи, милиция майори Асатулла Тошкентбоевни суҳбатга тортдим.

— Чилонзор тумани ички ишлар бошқармасида учта шахар милиция бўлими ташкил этилган. Туман ҳокими Анвар Маҳмудович Алиев милиция биносини қуриб битказиш учун 15 миллион сўм маблағ ажратиб бердилар. Жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилганларини ўз вақтида очиб учун бизда ҳамма шарт-шароит мавжуд. Тажрибали кадрлар жонимизга ора қияпти.

— Бугунги «Таран» тадбирида қанча ходим, транспорт иштирок этипти?

— «Тун» тадбирини ўтказиш анъанага айланган. У яхши натижа берапти. Жумладан, жиноятчилик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда 14,3 фоиз кўп очилди. Бугунги «Таран» тадбирида ўн та маршрут бўйича 30 нафар ходим фаолият кўрсатяпти. Улар участка



вакиллари, терговчилар, жиноят-қидирув бўлимининг тезкор вакиллари. Натижаларга келганда ўзингиз гувоҳ бўлиб турибсиз.

Чилонзор тумани ИИБ биносидан чиққанымизда тун ярмидан оғиб қолган, саратон ойи бўлса-да ҳаво салкин, этни жунжуқтирувчи шабада эсарди. Машинага ўтиришим билан орқа ўриндиқдан Қувондик аканинг овози келди:

— Мухбир ака, энди қаёққа борамиз?

Йўл-йўлакай тунги ҳаракат дастуримизни аниқлаштирдик. Машина кўп қаватли уйлар оралигидан охира юриб борарди. Камдан-кам деразадан чиқиб шуъласи кўринади. Бироқ кўчани бутунлай қимсасиз деб бўлмайди. Йўл четидаги ўсмирлар тўдаси диққатимизни тортди. Машинани тўхтатиб, улар томон яқинлашдик.

— Йигитлар, қаерда турасизлар, — деб сўрадик.

— Мана бу домда, — деди жингалак соч йигитча, — Нимаиди?

— Соат иккига яқинлашиб қолибди, уйга кеч қирсаларингиз ота-оналарингиз қойимайдими?

— Йўқ, уришмайди, — дейишди улар бир овоздан. — Сўнг ўрниларидан туриб кўпқаватли бино томон йўл олишди. Ярим йўлга

борганда жингалаксоч қўлини кўтариб, «Чава» деб қўйишни унутмади.

Акмал Икромов тумани ИИБ бошлигининг оператив ишлар бўйича муовини, милиция подполковниги Жаббор ака Рауповнинг хонасига кирганимизда ҳозиргина тутиб келтирилган хонадон ўғрисини сўроқ қилишаётган экан.

— Олег Исаченкони кўпдан буён қидирадик, — деди муовини бизга изоҳ бериб, — бугунги тадбирда уни қўлга олдик.

О. Исаченко муқаддам уч марта судланган экан. У билан қилган бир неча дақиқалик суҳбат давомида пихини ёрган ўғри эканига ишонч ҳосил қилдим.

— Теким тешиб чиқшини, бир кун келиб қўлга тушишингизни билар эдингизми, — деб сўрайман гап орасида.

— Ҳа, билардим. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас эканда!

Туман ички ишлар бўлимидан чиққанымизда осмон оқара бошлаган эди. Йўлда давом этамиз. Аллақердан хўрозларнинг кичкириги эшитилиб қолди. Мустақил мамлакатимизнинг янги тони отаяпти.

Тадбирни ўтказишдан мақсад пойтахт минтақаларида оператив ҳолатни яхшилаш, турли бурчакларда яшириниб, паноҳ топган жиноятчиларни аниқлаб, ҳисба олиш эди. Бу мақсад ҳам қисман амалга ошди, дейиш мумкин.

Сир эмас, бу тадбирнинг самарадорлигини ошириш Республика ИИБ ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ ходимларининг амалий ва ташкилий жиҳатдан иш-билармонликларига боғлиқ. Умуман олганда тадбир юксак савияда ўтапти дейиш мумкин. Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ ташаббус, ишбилармонлик кўрсатишганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Муроджон ТИЛЛАЕВ.

Суратларда: «Таран» тадбирдан лавҳалар. Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.



Ёднома

НОМИ АБАДИЙЛАШТИРИЛСА...

КўПИНЧА инсон умрини оқар дарёга қиё қилишади. Чунки, бу боқий дунёга ҳаммамиз ҳам меҳмонмиз. Уни сермазмун ўтказиш, эл-юрт равақини йўлида ҳалол, барақали меҳнат қилиш ҳам қарз, ҳам фарз.

Чироқчи туманидаги «Чиял» давлат хўжалигининг Чувиллақ қишлоғида 1952 йилда туғилиб, қирқ ёшида ҳаётдан кўз юмган Иброҳим Қиличев самимий, ҳалол, эл-юрт ишига жон фидо қилган инсонлардан бири эди.

Қишлоқ далаларида воёга етган Иброҳим мардлик, софдиллик хислатларини ешликдан ўзида мужассамлаштирган, олижаноб йигит бўлган.

У 1971 йили ўрта мактабни тугаллаб, йигитлик бурчини ўташга отланди.

Осойишталик посбони бўлиш унинг бирдан-бир орзу-истаги эди. Шу орзу-ҳавас уни Тошкентдаги милиция мактабига қорлади.

1976 йили уни имтиёзли диплом билан битириб, Қарши шаҳар ИИБда балогатга етмаган ёшлар билан ишлаш нозирини бўлиб ишлай бошлади.

Дастлабки кундан эътиборан ўзининг ишчанлиги, қасбига меҳр-муҳаббатни туфайли ҳамкасблари, раҳбарлар эътиборини ўзига тортди.

Кўп ўтмай уни шаҳар ички ишлар бўлимига жиноят қидирув нозирини этиб тайинлашди. Кейинчалик шаҳар ички ишлар бўлимининг жиноят қидирув ишлари бўйича катта нозирини, аниқлаб ички ишлар бошқармаси балогатга етмаган ёшлар билан ишлаш бўлимининг бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатди. Йиллар давомида катта тажриба орттирди.

1985 йили Иброҳим Қиличев етук кадр ва тажрибали мутахассис сифатида ўзи туғилиб ўсган Чироқчи туман ички ишлар бўлимига ишга тавсия қилинди. 1991 йили ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент Олий милиция мактабини имтиёзли диплом билан тугаллади. Милиция майори Иброҳим Қиличев қаерда ишласин, ўз зиммасидаги вазифани сидқидилдан бажарди.

У «Бенуқсон хизматлари учун» нишон, кўплаб Фахрий ерликлар, эсдалик совғалар билан тақдирланган.

— Мен Иброҳим Қиличев билан бирга ишлаш насиб этганидан фахрланаман, — дейди унинг ҳамкасби, милиция катта лейтенанти Маҳаматқобил Дониёров, — у қасбига садоқатли, ўзига талабчан, меҳр-оқибатли инсон эди.

— Иброҳим Қиличев мактабда аъло баҳоларга ўқиган ва айниқса, математика фанига жуда қизиқар эди, — дейди унинг синф раҳбари, республика халқ маорифи аълочиси Норбой ака Абдурахмонов, — у тез-тез қадрдон мактабига келиб, биз, устозлари билан суҳбатлашишга вақт топар эди.

Ҳа, Иброҳим Қиличев айни куч-қувватга тўлган бир пайтда, навқирон 40 ёшида тўсатдан оламдан ўтди. У онласига ғамхўр, етти нафар фарзанднинг отаси эди.

Иброҳим Қиличев қишлоқдошлари, уни билган, бирга меҳнат қилган сафдошлари хотирасида мангу яшайди. Истагимиз, унинг номи ва хотираси абадийлаштирилиб, хўжаликдаги қишлоқ мактабларининг бири номи билан аталса, савобли иш бўлур эди.

Бегмат БОБОРАҲМАТОВ,
Чироқчи туманидаги 47-ўрта мактаб ўқитувчиси.

БОЛАЛАРГА КЎЗ-ҚУЛОҚ БЎЛИНГ

ТОШКЕНТ бекати темир йўл ИИБ воёга етмаганлар билан ишлаш назорияти (ВЕИН) нозирлари томонидан биринчи ярим йилликда турли ҳуқуқ бузишлар учун 217 ўсмир ушланди. Гарчи воёга етмаганлар ўртасида ҳуқуқ-тартибот бузишларнинг олдини олиш мақсадида «Ойна», «Таътил» ва бошқа тадбирларни ўтказиб турсакда, бундай ҳуқуқ бузишлар ҳамон юз бериб турибди. Айниқса ҳаракатдаги электр ва пассажир поездлари вагонларининг ойналарини синдиришларидан безормиз.

«1993 йил 24 июнда Олмаота—Тошкент йўналишидаги 178-пассажир поезди Саригоч бекатига олти деразанинг ойналари чил-чил синган ҳолда етиб келган». Темир йўл ИИБ воёга етмаганлар билан ишлаш назориятига бундай мазмундаги хабарлар тез-тез келиб туради.

Нозирларимиз саъй-ҳаракатлари билан бунинг айбдорлари тез қидириб топилмоқда. 1993 йилнинг биринчи ярим йилида ойна синдиришнинг 26 ҳодисаси рўйхатга олинган. Жами 106 дераза ойналари синдирилган. Ана шу фактлар бўйича қўлга олинган 24 воёга етмаган ўсмирнинг қилмиши учун уларнинг ота-оналари 16 минг 346 сўм жарима тўладилар.

Бахтимизга, ойна синдиришдан поезд йўловчилари шикастланмадилар.

Ҳуқуқ-тартиботни бузувчи ўсмирларнинг кўпчилиги темир йўлга яқин жойларда яшайдилар. Темир йўл яқинида мол боқадилар, ариқда чўмиладилар ёки шунчаки бекорчиликдан сандироклаб юрадилар. Нима қилишни билмасдан қўлларига тош оладилар. Яна бир хабарни келтирамиз.

«1993 йилнинг 18 апрелида соат 12 дан 25 дақиқа ўтганида Жилга бекатида ўсмир вагонга осилиб чиққан ва контактли тармоқнинг электр кучлланишига дуч келган. У Саригоч туман касалхонасига етказилди». Болалар жароҳатланишининг бешта ҳодисаси рўйхатга олинди. Бундай бўлишга асосий сабаб шуки, болалар ўз қўлларига ташлаб қўйилган.

Ҳурматли ота-оналар! Яна бир бор огоҳлантирамиз: болаларни, улар нима билан машғул эканликларини кузатиш. Бунинг учун вақтингиз ва кучингизни аяманг. Милициянинг бир ўзи болаларингиз ҳуқуқ-тартиботни бузишларининг олдини ола олмайди.

Я. АШУРОВ,
Тошкент бекати темир йўл ИИБ ВЕИН бошлиғи, милиция майори.

ДУШАНБА

9 АВГУСТ
ЎЗТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Меҳнат — ижтимоий муҳофаза мезони". 18.40 "Тошкент". Телефильм. 18.50 "Оламни асранг". 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Мустақиллик одимлари". 19.55 Ёлонлар. 20.00 Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Анъаналар эади давом". Мусликий кўрсатув. 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Мустақиллик одимлари". 21.35 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.45 В. Шекспир. "Кориолан". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

18.30 "Ассалому алайкум" (такрор.). 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Миришкорлар". 20.25 "Билиб қўйган яхши". 20.45 "Таваккал Қодиров куйлайди". Фильм-концерт. 21.10 Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 21.25 "Тақдиринг қўлингда". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

4.55, 8.20, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 "Яқунлар". 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.25 Ёш томошабин театри. И. Тургенев. "Муму". Ленинград Давлат академик Малий драма театрининг фильм-спектакли. 10.15 "Мавзу". 11.00 Янгилар. 11.20 "Гол".

13.00 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Сув полоси. Хотин-қизлар. Финал. Сузиш. Англиядан кўрсатилади. 14.00 Янгилар. (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемист". 15.10 "Иш". 15.20 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультфильм премьераси (Англия). 15.45 Н. Римский-Корсаков. Гомердан прелюдия-кантата. 16.00 Епископ Василий (Родзянко) билан суҳбатлар. 18-кўрсатув. 16.15 "Икболи кулганда". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 "Мусликий жиллар". 17.45 "Гол". 18.15 "Резонанс" студияси таништилади. 18.45 "Беи қиз Парижда". Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия (Франция, Швейцария, Германия, Италия телекомпаниялари ҳамкорлигида яратилган). 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Рус балетининг юлдузлари". Кўп серияли телевизион мусликий фильм премьераси. 7-фильм. 21.30 "Спорт-унк-энди". 21.45 "Янги студия" таништилади: "Джем-сейшн". Танаффус пайтида (23.00) — Янгилар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 Россияда бизнес. 8.30 Тонгги концерт. 8.45 "Москвдан гапиримиз". 9.25 "Эски кўхна ленталар...". 9.55 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Сув полоси. Эркалар. Финал. 10.55 Хонаки экран. "Елгизларга ётоқхона ажратилади". Бадий фильм. 12.20 "Дехқонларга тааллуқли масала". 12.45 Кундузги сеанс. "Қуролланган ва ўта ҳавфли". Бадий фильм. 14.20 "Американинг ёввойи табияти". Кўп серияли телефильм премьераси. 14.50 Янгилар. 15.05 "Бола тилидан...". 15.35 "Лидия Русланова. Зое кетган беш йил". 1-кўрсатув (такрор.). 16.30 "Услуг".

*

17.00—19.05
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
19.05 Душанба кунини детектив. "Лаки страйк" таништилади. "Қурол билан тунаш". "Криминал ҳодисалар" туркумидан. 20.00 "Ҳақиқат онлари".

*

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Спорт кўрсатуви. 21.30 "Қутқариш хизмати-911". 22.25 Трансросэфир. "Европа — Осиё". 23.10 Тунги салон.

ЗАНГОРИ
ЭКРАНДА

СЕШАНБА

10 АВГУСТ
ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Билиб қўйган яхши". 7.50 "Велосипед қочиб кетди". Мультфильм. 8.00 Мутахассис маслаҳати. 8.10 Эстрада концерти. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 "Насриддин Хўжаданда". Бадий фильм. 10.30 "Мустақиллик ва жаҳон тиллари". 11.00 "Саноатимиз одимлари".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Кичкинтой" устахонаси. 18.40 "Нулуфарнинг рақслари". 18.55 "Санъат оламида". 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Мустақиллик одимлари". 19.55 Ёлонлар. 20.00 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Бухоро Давлат филармонияси артистларининг концерти. 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.35 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.45 "Ҳаёт учун Ҳавфли". Бадий фильм. 23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

18.30 "Уолт Дисней таништилади...". Мультфильмлар тўплами. 19.20 "Хоразм". Телефильм. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Дебют". 20.10 "Бумеранг". 20.50 "Муз устида". Телефильм. 21.20 Танго оҳанглари. 21.45 Ёлонлар. 21.50 "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

4.55, 14.20, 17.20, 23.35, — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 "Тингланг, томоша қилинг...". 8.40 Мультфильм. 8.50 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.35 "Инсон ва қонун". 10.05 "Сариқ дарё". Ун серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 3-серия. 11.00 Янгилар.

Кундузги киноэкспресс
11.20 Болалар учун фильм. "Петров ва Васечкинларнинг ажойиб ҳамда ғаройиб саргузаштлари". 1-серия. 12.25 "Мовий лампаслар". Телефильм премьераси (Самара). 12.55 "Спрут-3". Етти серияли телевизион бадий фильм. 1-серия.

*

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Ишбилармон кишилар хабарномаси". 14.40 "Конверсия ва бозор". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультфильм премьераси. 15.40 "Мактуб". Телефильм премьераси (Вятка). 16.00 "Қадрдон Бежин Лу". 16.10 "Стартинейджер". 16.50 "Технодром". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Ҳоким ҳузурида меҳмонда. Татаристон Республикаси Президенти М. Шаймиев" кўрсатувини таништилади. 18.05 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.55 "Мавзу". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.20 "Останкино" хит-паради. 21.40 "Пепси" стилидаги мусиқа. Жексонлар. Америкача орзу". Беш серияли телефильм премьераси. 2-серия. 22.40 Хужжатли фильм. 23.00 Янгилар. 23.40 "Рок-н-ролл ТВ". 00.25 "Спрут-3". Етти серияли телевизион бадий фильм. 1-серия.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 "Ҳақиқат онлари".

11.00 Хонаки экран. "Улим зонаси". Бадий фильм (АҚШ). 12.30 Мульти-пульт. 12.45 "Дехқонларга

тааллуқли масала". 13.10 Россия телевиденисининг сара асарлари. "Оқ қарға". 13.55 "Муслиқа йирик планда". 14.40 Янгилар. 14.55 "Рост" студияси. "Яшил мактаб". 15.30 "Танаффус". Ника куйлайди. 15.40 Санъат майдони. "Санкт-Петербург" оркестри. 16.25 Ҳақиқат посбонлари. "Петербург қалби".

*

17.00—18.45
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

18.45 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 203-серия. 19.35 "Динозаврга айланмайлик". 19.50 Катталар учун мультфильм. 20.00 "Россияни қандай қилиб эпақага кептириш мумкин?". 20.45 "Жаноблар-ўртоқлар".

*

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 "Ватаним менинг". Державин уйи. 22.00 Трансросэфир. "Қандай яшайсан, Уфа!". 22.45 "Грузия довои". 23.10 "Туғилган кунингиз билан ёки Орфейнинг қайтиши".

ЧОРШАНБА

11 АВГУСТ
ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Аралаш". Ҳажвий киножурнал. 7.40 Ёр ва диёр тароналари. 8.00 Дунё воқеалари. 8.10 "Кувноқ болалар". 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

*

9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 Болалар учун. "Оромгоҳлар қўйнида". 9.40 "Қасбга меҳр". Тошкент коммунал хўжалиги ва қурилиш тхникуми. 10.10 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Кичик корхоналарнинг катта истикболи". 18.40 "Тадқиқот ва ҳамкорлик". 19.10 "Пахтакорларнинг долзарб вазифалари". 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Мустақиллик одимлари". 19.55 Ёлонлар. 20.00 "Қабуларим". Телефильм. 20.10 "Оқшом эртаклари. 20.25 "Улугбек даври". Мухаммад Тарағай Улугбек таваллудининг 600 йиллигига. 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Мустақиллик одимлари". 21.35 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. Замонавий ўзбек халқ кўшиқларининг "Анор" телевизион кўрик-танлови. 22.45 "Келин". Бадий фильм. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

18.00 "Шухрат Йўлдошев ижро этади". Телефильм. 19.05 "Спринт". 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Тошкент: шаҳар юмушлари". 20.35 В. Моцарт. "Сеҳрли най" А. Навоий номли Ўзбек Давлат академик опера ва балет Катта театрида. Мавсум очилишига. 21.45 "Севги афсонаси". Бадий фильм. 1-2-сериялар.

"ОРБИТА IV"

4.55, 14.20, 17.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 "Домисолька". 8.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.30 "Савдо кўприги". 10.00 "Сариқ дарё". Ун серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 4-серия. 11.00 Янгилар.

Кундузги киноэкспресс

11.20 Болалар учун фильм. "Петров ва Васечкинларнинг ажойиб ҳамда ғаройиб саргузаштлари". 2-серия. 12.30 "Сирли ҳокимият...". Телефильм премьераси ("Дентелефильм"). 12.55 "Спрут-3". Етти серияли телевизион бадий фильм. 2-серия.

*

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемист". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультфильм премьераси. 15.40 "Танишинг: "Юнпресс". 16.00 "Клуб 700". 16.30 "Телеёдномалар". 16.50 "Технодром". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Ишонч ерлиги" кўрсатувини таништилади. 17.55 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.45 "Миниатюра". 19.00 "Кремль деворлари ортида". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.20 Футбол. Россия чемпионати. "Локомотив" (Нижний Новгород) — "Спартак" (Москва). Нижний Новгороддан кўрсатилади. 22.00 "93-йил авлоди". Биринчи Москва халқаро муслиқа фестивали. 23.00 Янгилар. 23.40 Санкт-Петербург эшакли марафони. 23.55 "МТУ". 00.55 "Спрут-3". Етти серияли телевизион бадий фильм. 2-серия.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР

ДИККАТИГА!

Профилактика муносабати билан чоршанба, 11 август кунини "Дубль IV" кўрсатувлари соат 14.50 дан бошлаб намоён этилади.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

14.50 "Услуг". 15.20 "Трансросэфир. "Узоқ Шарқ". 16.05 "Лидия Русланова". Зое кетган беш йил". 2-кўрсатув (такрор).

*

17.00—18.40
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

18.40 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 204-серия. 19.30 "Сиз яратган бог". 20.05 "Бизнес ва сиёсат".

*

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 "Ксюша" ҳузурида. 21.55 "Қалбада этикод билан...". 22.25 "Шаҳарча". 22.50 "Смоленскда авангардчилар фестивали. 23.05 Криминал хабарлар экрани. 23.25 "Винил чангалзорлари".

ПАЙШАНБА

12 АВГУСТ
ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Кўшқ ва яллалар. 7.50 Шифокор маслаҳати. 8.00 "Дайди тўтининг қайтиши". Мультфильм. 8.10 "Танбур". Телефильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

*

9.00 Матбуот саҳифаларида (рус тилида). 9.10 Болалар учун фильм. "Кувноқ воқеалар". 10.35 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 10.50 Футбол. "Пахтакор-79". Хотира турнири. Финал. Репортаж.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. "Табият алифбоси". 18.45 "Ешлик" студияси. "Балоғат ешида". 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Мустақиллик одимлари". 19.55 Ёлонлар. 20.00 "Улоқ". Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Абдулхай Каримов куйлайди. 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Мустақиллик одимлари". 21.35 "Ислохот ҳақида суҳбатлар". 21.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. "Кўнгида Ватан". Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидан тайёрланган кўрсатув. 22.45 "Оққўнги кишилар". Бадий фильм. 00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

18.30 Болалар учун. "Табассум".

19.05 "Шарқ лирикаси". 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Лавҳа. 20.00 "Тошкент оқшомлари". 21.15 Ёлонлар. 21.20 "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

4.55, 14.20, 17.20, 20.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 Жаҳон халқлари ижоди. Ҳиндистон санъати. 8.50 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.35 "Боқий қуёш". Славянскдан кўрсатилади. (Украина). 10.05 "Сариқ дарё". Ун серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 5-серия. 11.00 Янгилар. 12.55 "Спрут-3". Етти серияли телевизион бадий фильм. 3-серия.

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемист". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультфильм премьераси. 15.40 К. Дебюсси. Флейта, альт ва арфа ижроси учун саната. 16.00 Епископ Василий (Родзянко) билан суҳбатлар. 19-кўрсатув. 16.10 "Джем". 16.40 "... 16 ёшгача ва ундан катталар". 17.00 Янгилар. (сурдо таржимаси билан). 17.25 "...16 ёшгача ва ундан катталар" (давоми). 18.00 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.45 "Кинопанорама". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 Ёда қолган фильмлар. "Катта олам" бадий фильм ("Мосфильм", 1966 й.). 22.15 "Модалар афсунгари". 22.45 Халқ оҳанглари. 23.00 Янгилар. 23.40 "Орол". Экспериментал мусликий кўрсатув. 24.00 "Спрут-3". Етти серияли телевизион бадий фильм. 3-серия.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 "Бизнес ва сиёсат". 8.55 Тонгги концерт. 9.10 "Маъқуллаймиз". Ёзувчи М. Мишин бенефиси. 10.25 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 204-серия. 11.15 Мульти-пульт. 11.40 "Сўнаётган юлдузми?". 12.10 Тула оҳанглари. 12.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.15 Россия телевиденисининг сара асарлари. "Оқ қарға". 13.50 "Муслиқа йирик планда". 14.20 Янгилар. 14.35 "Рост" студияси. "Мусликий синф". 15.05 Трансросэфир. "Вернисаж". 15.35 Ўз манзили. 16.05 "Терминал". 16.35 "Репортёр". 16.50 Спорт кўрсатуви.

*

17.00—19.05
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
19.05 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 205-серия. 19.55 "Шундай биржа бор". 20.10 "Фортуна". Александр Малинин куйлайди.

*

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 "М-трест". 21.40 "Осойишта-уй". 22.35 "Осойишта уй" (давоми). 23.35 Криминал хабарлар экрани. 23.45 "Хроно". Авто ва мотоспорт оламида.

ЖУМА

13 АВГУСТ
ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Лўли" Телефильм. 7.50 Мутахассис маслаҳати. 8.00 Халқ ижодиёти. 8.20 "Леопард учун уй". Мультфильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

*

9.00 Болалар учун фильм. "Бор эканда, йўқ экан...". 10.20 "Ешлик" студияси. "Сенинг замондошинг". 10.50 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ешлик" студияси. "Ишонч". 18.55 "Замин саховати". 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Мустақиллик одимлари". 19.55 Ёлонлар. 20.00 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25

"Одобнома". 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Мустақиллик одимлари". 21.35 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.45 "Истеъдод". Маъмуржон Тўхасинов. 22.45 "Ретро". "Тонг олдида" бадий фильмининг намойиши. 00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II 17.00 АШПАБАТ КЎРСАТАДИ «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 20.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилликлар. 8.20 Эртақ ҳузурида меҳмонда. "Тўш улашувчи". Телевизион бадий фильм. 10.10 "Саёҳатчилар клуби" (сурдо таржимаси билан, такрор.). 10.50 "Шеърят альбоми". Осип Мандельштам. 11.00 Янгилликлар. 11.20 "Филча", Қўғирчоқ Катта театри фильм-спектаклининг премьераси (Санкт-Петербург, "Панорама" студияси). 12.25 "Колумб ва Леонардо". Хужжатли фильм премьераси (Экран, "Чеккофильм", Италия). 12.55 "Турмуш икки-чиркилари". Бадий телесериал, 9 ва 10-сериялар. 14.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Бридж". 14.50 "Бизнес-класс". 15.05 "Хайвонот оламида". Режиссёр А. Зигурди фильмлари. "Рикки-Тикки-Тави". 16.20 "Бизнинг мусикий клуб". 17.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Рус қайинининг новдаси" кўрсатуви таништилади. 17.45 "Инсон ва қонун". 18.15 "Вагон-03". 18.45 "Мўжизалар майдони". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилликлар. 20.25 "Хафтаннинг машҳур кишиси". 20.40 "Детективлар клуби" да. "Суини" Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. 7-серия. 21.40 "Телевидение: бугун ва эртага". 22.35 "Максима". 23.00 Янгилликлар. "ВИД" таништилади: 23.40 "Авто-шоу". 23.55 "Х" программаси. 00.20 "Мен деярли машҳурман".

«ДУБЛЬ IV» РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар дари. 8.00 Параллеллар. 8.15 "Осойишта уй". 9.10 "Сиз яратган боғ". 9.40 "Хайвонот оламида". 10.40 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп сериали бадий телефильм. 205-серия. 11.30 Мультфильм. 11.40 Михаил Таничининг "Олтин диски". 12.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.10 Янгилликлар. 13.25 "Рост" студияси. "Космос сабоқлари". "Азаматлар". 13.55 Жума кунлари Дисней. "Бўрсук билан гаплашган болалар". Бадий фильм. 2-серия. 14.45 Хужжатли фильм. 15.15 Россия телевизион театри. "Хотиралар".

17.00—19.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.45 Халқаро арман ансамблининг тузиллишига бағишланган тантанали дўстлик концерти.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 Спорт кўрсатуви. 21.35 "Трансросэфир". 22.05 Телеэкранда премьераси. "Рок услубидаги фожиа". Бадий фильм, 1-серия. 23.25 "Келин, аниқлаб олайлик". 23.40 "Рок услубидаги фожиа". Бадий фильм. 2-серия.

ШАНБА

14 АВГУСТ

ЎЗТВ I
6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Қўшқ билан бошланар тонгим". 8.00 Дунё воқеалари. 8.10 Шинфокор маслаҳати. 8.20 "Бир кун саҳрода". Мультфильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 "Ёз кунларининг бирида". Бадий фильм. 10.15 "Соғломлаштириш масканлари". 10.45 "Оналар мактаби". 11.20 Ўсмирлар учун. "Гўзаллик гулшани". 11.50 "Шоликорларнинг долзарб вазифалари". 12.20 "Ажойиб тақдирли кишилар". Азиз Ҳамидов таваллудининг 75 йиллигига. 12.55

"Хужжатли экран". Кинокурсув. 13.40 "Истиқлол куртаклари". 14.10 "Мерос". "Алломиш" достони.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. "Санъат гунаҳлари". 18.30 "Илҳом лаҳзалари". Хайкалтарош Жўлдосбек Қуттимуродов. 19.00 Футбол майдонларида. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Мустақиллик одимлари". 19.55 "Учқур отлар". Телефильм. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.25 Сайёра Назирова куйлайди. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Мустақиллик одимлари". 21.35 "Мусиқа жавони". 22.25 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги "Булоқлар кўз очганда". Самарқанд вилояти. 24.00 "Тунги ёғду". Дам олиш кинопрограммаси.

ЎЗТВ II 17.00 АШПАБАТ КЎРСАТАДИ «ОРБИТА IV»

5.45, 7.30, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.50 Эрталабки гимнастика. 6.00 Мультфильм. 6.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгилликлар. 7.35 "Спорт-имконият". 8.05 "Марафон-15" таништилади. 8.30 "Эльдорадо". 9.00 Шанба кунги дастхат. 9.30 Экологик кўрсатув. 9.45 Тиббиёт ҳамма учун. 10.25 "Мусиқа манбалари". 10.55 "Цирк галактикаси". Л. Енгбаров номили танлов. 11.45 "Ўтмишда". Бадий фильм ("Мосфильм", 1947 й.). 13.30 "Марказий экспресс". Европа тележурнали. 14.00 Янгилликлар. 14.25 "Монро ва Мадонна". 15.15 "Хокимият сиймоси". 15.30 "Шаҳзода ва Сув париси". Кўп сериали мультфильм премьераси. 15.55 "Ипак йўли гўзали". Алматидан кўрсатилади. 16.25 Композитор П. Аедоницкийнинг ижодий кечаси. 17.35 "Пул ва сийсат". 18.05 Сизга аталган учрашув. 18.50 "Колумбия пикчерс" таништилади. "Хьюстон рицарлари". Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. 7-серия. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар. 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилликлар. 20.25 "Колумбия пикчерс" таништилади: "Зангори ва кулран". Телевизион бадий фильм премьераси. 7-серия. 21.20 "Резонанс" студияси таништилади: "Канкан". 21.40 "Аншлаг". 23.00 Янгилликлар.

"Сновидение" тунги канали
23.35 "Овозлар". Юлдузлар ҳаётидан. 24.00 "Спорт". 00.20 "Тунги хит". 01.05 "Рок-программа". 01.25 "Эпитафия". Дахшатли фильм (АҚШ).

«ДУБЛЬ IV» РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 "Оламга ўз нигоҳи билан қараш". 7.55 "Ҳали англамаган кинот". 8.25 "Рост" студияси. "Гўзал қизлар". "Бизнинг "Аралаш". 8.55 "Пиллигрим" Россия саёҳатлар бюроси. 9.40 Хонаки экран. "Изқувар". Бадий фильм.

11.10—14.15 ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

11.10 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 11.20 Покистон Республикаси мустақиллиги кун. 12.05 "Безнен мирас" (татар тилида). 12.50 "Детективлар оламида. Англия". 13.25 "Рангинкамон" (тожик тилида). 14.00 "Бу турфа олам".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
14.15 "Изабел". Дам олиш висторинаси. 15.00 Театр сафари. "Синово тоши". "Салтиков-Шчедрин" фестивали. 15.45 "Ўз ишининг усталари".

16.30—18.15 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.15 Киноқисса. "Мени бахтли келажак сари чорла". Бадий фильм. 19.50 "Фильм-премьер". 20.05 "Мутлақо махфий".

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 "К-2" таништилади. "Америка юлдузлари". 22.00 "Маски-шоу". 22.30 Спорт кўрсатуви. 22.35 Россия телевизион театри. "Шопен, 2-соната". 23.55 "Каунтдаун". Оммабол куйлар янгилликлари.

ЯҚШАНБА

15 АВГУСТ

ЎЗТВ I
7.00 "Ассалому алайкум". 8.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 8.30 Болалар учун. "Тонгги салом". 9.00 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Ҳиндистон). 28—

29-сериялар. 10.30 "Қирқ ҳунар ҳам оз". 11.15 "Ёшлик" студияси. "Истиқлол гуллари". 11.45 "Иқтисодий ислохот — давр талаби". 12.05 Қўқон шаҳар "Сарвиғул" ансамблининг концерти. 12.45 "Ватанпарвар". 13.25 "Шеърят дафтаридан". Тўлқин, Жўра Алимардон. 13.45 "Олий таълим истиқболлари". 14.20 Футбол. Ўзбекистон кубоги (ёзиб олинган).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Ғаройиб бочка", "Соябон — менинг ҳамроҳим". Мультфильмлар. 18.20 Ўсмирлар учун. "Ўйла! Изла! Топ!". 19.10 "Унитилган ўйинлар". "Ўзбектелефильм" премьераси. 19.30 "Хафтаннома" (рус тилида). 20.00 "Мустақиллик одимлари". 20.05 "Ойна жаҳонда...". 20.20 "Хордик". Дам олиш кўрсатуви. 21.00 "Хафтаннома". 21.40 "Мустақиллик одимлари". 21.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдида. "Булоқлар кўз очганда". Сирдарё вилояти. 22.45 "Операция "Ы" ва Шуриннинг бошқа саргузаштлари". Кинокомедия. 00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II 7.00—12.00

17.00—23.30 АШПАБАТ КЎРСАТАДИ «ОРБИТА IV»

5.40, 18.00, 21.45, 23.15 — Кўрсатувлар тартиби. 5.45 Эрталабки гимнастика. 5.55 "Рухни чиниқтириш". 6.55 Янгилликлар. 7.30 "Авто-шоу". 7.45 "Технодром". 8.00 "Марказ". 8.30 "Эрта саҳарлаб". "Денвер — динозаврларнинг энг сўнгиси". Кўп сериали мультфильм премьераси. 9.00 "Ҳамма уйдалиғида". 9.30 "Спортлото тиражи". 9.45 "Тонг юлдузи". 10.35 "Ҳарбий ревью". 11.05 "Яна халқаро телевизион анжуман...". 11.35 "Детектив-лэнд". 12.30 "Қишлоққа бобомникига...". Телефильм премьераси (Владикавказ). "КТВ-1" ҳамда "Франс интернациональ" канали таништилади: 13.00 "Пиф ва Геркулес". Кўп сериали мультфильм премьераси. 13.10 "Кусто командасининг сувости одиссеяси". Кўп сериали хужжатли фильм премьераси.

14.00 Янгилликлар. 14.15 "Саёҳатчилар клуби". 15.05 "Хунарли хор бўлмади". 15.10 Мультфильмлар премьераси: "Каспер ва унинг дўстлари", "Ҳақакий ажина овловчилар". 16.00 "Саҳнада 50 йил". Арутюн Аюбян. 16.20 Эфирда бевосита мулоқот. 17.00 "Панорама". Хафталик халқаро кўрсатув. 17.45 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 18.05 "Халқ ижодиёти" студияси таништилади: "Гўзалликка таъзим қиламан". 18.50 Телеэкранда биринчи марта. "Шакти". Бадий фильм (Ҳиндистон). 1 ва 2 сериялар. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Яқунлар". 21.50 Катталар учун мультфильм. 22.00 "Ультра-си". Спорт кўрсатуви. Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати. Германиядан кўрсатилади. 23.00 Янгилликлар. 23.20 Валентина Говцова дўстларини таклиф этади. 00.20 "Видеодром".

«ДУБЛЬ IV» РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 "Хайрли тонг". 7.55 "Том". Хужжатли фильм. 8.15 Мультфильм. 8.25 "Фольклор". 8.55 "Рост" студияси. "Мусикий синф". 9.25 "03" кўрсатуви. 9.55 "Ати-бати...". 10.25 Кипрас Мажейка. "Кичик Европадан репортажлар". 10.55 Миллий баскетбол уюшмасининг энг яхши ўйинлари.

11.55—15.55 ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

11.55 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 12.05 Ҳиндистон Республикаси мустақиллиги кун. 13.05 Шарқ оҳанглари. 13.50 "Манбалар". 14.35 "Дўстлик маршрутлари бўйлаб". 15.05 "Ўзбекистон ташқи иқтисодий бозорда". 15.40 "Бу турфа олам".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.55 Диснейнинг сеҳрли олами. "Винни Пухнинг янги саргузаштлари". "Қора плашч". 16.45 "Ҳар бир кун байрам". 16.55 "Табият ёдгорликлари". Телефильм. 17.25 Спорт кўрсатуви. 17.30 Си-Би-Эс кинотеатри. "Юпка муз". Бадий фильм (АҚШ).

19.10—21.20 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 "Экзотика". 22.25 "А" программаси.

("Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз" рўзномасидан олинди).



ФОТОАХБОРОТ

Республикамиз мустақилликка эришгач хорижа чиқиш ва у ердан келишни расмийлаштириш ишлари анча енгиллашди. Қўшни мамлакатлар ва узоқдаги хорижий давлатлар билан меҳмонларни айирбошлаш жонлиб бормоқда. Мустақил Ўзбекистон фуқаролари ер юзининг турли жойларига саёҳатга бориш ва иш юзасидан сафар қилиш учун кенг имкониятларга эга бўлдилар. Ўзбекистон шаҳарларининг кўчаларида турли-туман мамлакатлардан келган меҳмонларни

учратиш мумкин, республикамиз вакиллари эса эндиликда Америкада ҳам, Хитойда ҳам ҳеч кимни ҳайратга солаётгани йўқ. Бугунги кунда бошқа давлатларнинг фуқаролари учун республикамиздаги қариндошлариникида меҳмон бўлиш муаммо эмас.

Суратда: Тошкент шаҳар Яққасарой тумани ИИБ ОВБР бошлиғи милиция катта лейтенанти Бахит Умаров тошкентлик А. Носировага хитойлик қариндошлари юборган таклифномани расмийлаштирмоқда.

Ярим йиллик яқунлар

ҲАММА ЕРДА бўлгани каби Ўзбекистон Республикаси ИИБ бошқарма, бўлим ва бўлинмаларида ярим йиллик фаолият сарҳисоб қилинмоқда. Шу муносабат билан Енгиндан сақлаш бошқармасида ҳам оператив мажлис бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг муовини, милиция полковниги У. Т. Комилов очди. Бошқарма бошлиғи, ички ишлар полковниги А. Ҳ. Ёқубов маъруза қилди.

Шу йилнинг ўтган ярим йили давомида Енгиндан сақлаш бошқармаси, жойлардаги давлат Енгин назорати ходимлари 7 та

Қорақалпоғистон Республикасида (7,1), Хоразм (8,3), Навоий (6,1), Сирдарё (5,5), Бухоро (5,2) вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (5,6) содир бўлган.

Қорхоналарда содир бўлаётган ёнгинлар Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида; база, омбор ва савдо дўконларидаги ёнгинлар Самарқанд, Тошкент, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида; фермаларда рўй бераётган ёнгинлар Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида; турар жойларда ёнгинларнинг мумий сони Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятларида ва Тошкент шаҳрида 1992 йилнинг ярим йилига нисбатан кўпайган.

Шунинг учун иккинчи ярим йилликда ёнгиндан сақлаш бўлимлари олдида ҳал қилиниши керак бўлган жуда катта вазифалар турибди.

Жумладан, Республикамиз бойлиги бўлган пахтани сақлаш, қайта ишлашда ёнгиннинг олдини олиш, қайта ишлаш қорхоналарини капитал ремонтдан сўнг бенуқсон қабул қилиш, нефть ва дон маҳсулотлари сақланадиган ва қайта ишлайдиган қорхоналардаги хавфсизлик ҳолатини қайта текшириш керак.

Бундан ташқари, мажлисда ёнгинларнинг асосий қисми уй, турар жойларда содир бўлиши, ёнгинларда ҳалок бўлаётган одамлар сони кўпаяётганлиги муносабати билан тарғибот ва ташвиқот ишларини кенг қўламда олиб бориш кераклиги таъкидланди. Бунинг учун маҳалла, мактаб, боғчаларда, ёнгин хавфсизлигига қарши қаратилган суҳбатлар ўтказиш, кинотеатрларда ва телевидение орқали эса хужжатли фильмлар кўрсатишни кўпайтириш, газ назорати, коммунал хўжалик хизматлари билан биргаликда газ баллонлари, мосламалардан фойдаланишни текшириб, керакли чора-тадбирларни кучайтириш зарурлиги яна бир бор таъкидлаб ўтиди.

Қ. ЖЎРАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁСБ бўлим бошлиғи муовини, ички хизмат майори.

ТАДБИР АМАЛДА

ГИЁҲВАНДЛИК қанчадан-қанча кишиларнинг умрига, ёшларимизнинг соғлиғига завоёл бўлмоқда. У XX аср вабоси бўлган СПИД касаллигининг асосий манбаларидан бирига айланди. Бундан ташқари, қандай жамиятда бўлмасин, жиноятларнинг катта қисми гиёҳванд модда таъсирида бўлган шахслар томонидан содир этилмоқда.

Шу сабабли сайёрамизнинг ҳамма жойида бу даҳшатли иллатга қарши кескин кураш кетаяпти. Мана бир неча йил-дирки, бутун дунё БМТ Бош Ассамблеясининг 1987 йилги қарорига асосан 26 июни Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунини сифатида нишонлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан ҳам бу курашга катта эътибор берилмоқда. Республика Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказилаётган ва ҳозирда жуда кенг тус олган «Қорадори-93» тадбирини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ушбу тадбир натижасида кўплаб фактлар аниқланмоқда. Тадбир ўтказилган кунларнинг бирида умумий сатҳи 27 минг 275 квадрат метр бўлган майдонда ўстирилаётган гиёҳванд моддалар аниқланиб, йўқ қилинди. Қўлга тушганлардан катта миқдорда ашёвий далиллар олиниб, шу кунни бундай фактлар юзасидан 16 та жиноий иш қўзғатилди. Шуларнинг баъзилари билан танишгинг.

Навоий вилояти Хатирчи туманида жойлашган ДАН постида Жазмон-Оқтош йўналиши бўйича

кетаётган автобус тўхтатилиб, текшириб кўрилди. 1932 йилда туғилган М. исмли аёлдан вази уч ярим килограмм бўлган кўкнори бошоғи топилди. Ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида бу гиёҳванд модда 1955 йилда туғилган, самарқандлик О. исмли шахсдан олинганлиги маълум бўлди. Ҳозирда жиноий иш қўзғатилиб, айбланувчи қўлга олинган.


Қизилтепа Навоий вилоятининг кўркам, суви сероб туманларидан биридир. Шу сабабли ҳам ушбу масканда кўплаб мева-сабзавотлар етиштирилади. Қизилтепанинг иқлими турли хил ўсимликларни етиштиришга имкон беришидан фойдаланган баъзи нопок кишилар гиёҳванд моддалар етиштирганлар. Туман ички ишлар бўлими ходимлари гиёҳванд моддаларни ўстириш, истеъмол қилиш ва ноқонуний равишда сақлаш бўйича жуда кўплаб фактларни аниқлашди. Масалан, тезкор тадбирлар натижасида қўлга олинган, ҳеч қасрда ишламайдиган, 30 ёшли Н. исмли шахснинг уйдан 20 туп кўкнори, 104 туп наша ҳамда 16 килограмм кўкнори бошоғи топилди. Унинг отаси, шу туманда яшовчи, 60 ёшли кимсанинг уйдан эса 50 квадрат метр майдонга экилган 500 туп кўкнори ва унинг 60 килограмм бошоғи чиқди.

Туман марказида яшовчи, 44 ёшли Сохин Александрнинг уйи кўздан кечирилганда, истеъмол учун қайнатиб тайёрланган 315 грамм суюқлик, 292 грамм наркотик модда кукуни, ушбу

суюқликни тайёрлаш учун ишлатиладиган икки шиша, махсус қоричма ҳамда кўплаб шприцлар ашёвий далил сифатида олинди. Муқаддам судланган, ҳозирда эса ҳеч қасрда ишламайдиган бу кимса доимий равишда ушбу суюқликни истеъмол қилиб келган. Қизилтепа тумани халқ суди ушбу жиноят иштини кўриб чиқиб, Сохинни 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

Шундай шахслардан бири, 1959 йилда туғилган Алижон Гадоимуродовнинг уйдан эса 262 грамм суюқлик, кўкнори, шприцлардан ташқари истеъмол қилишга тайёрлаб қўйилган қорадори моддаси олинди. Қизилтепа тумани халқ суди бу шахсни ҳам айбдор деб топиб, уни бир йилу олти ой муддатга озодликдан маҳрум этди.

Бундай мисолларни



модда экканликларни аниқланиб, бу экинлар вертолёт ёрдамида йўқ қилинди. Тогбеги, бригадир, бошқарувчи каби жавобгар шахслар амалдаги қонунга асосан тегишли жавобгарликка тортилди.

Бешинчи сабаб: жойларда милиция ходимларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг пастлигидир. Бунда милициянинг ҳам,

«Қорадори-93»

республикаимиз миқёсида жуда кўплаб келтириш мумкин. «Қорадори-93» тадбири туфайли қанчадан-қанча нопок шахслар аниқланиб, кўплаб кишиларнинг соғлиғи сақлаб қолинганга шубҳа йўқ. Аммо доно халқимиз «Қарс икки қўлдан чиқади» — деб бежиз айтмаган. Агар фуқароларимиз ички ишлар органлари билан янада яқиндан ҳамкорлик қилсалар, бундай фактлар ҳақида уларга хабар бериб турсалар, ўйлаймизки ҳар томонлама етуқ, соғлом авлодни тарбиялаш йўлида бу совуқ иллатни жамиятимиздан батамом супуриб ташлашга эришган бўлардик.

А. СОДИҚОВ,
ИИБ матбуот маркази ходими.

Суратда: «Қорадори-93» тадбири натижасида Қизилтепа тумани ИИБ ходимлари томонидан қўлга туширилган гиёҳванд моддаларнинг бир қисми.

ТУРЛИ НАРКОТИК моддалар истеъмол қилиш жамият учун ҳам, халқ учун ҳам, оддий фуқаро учун ҳам хавфли ҳалокатдир.

Расмий маълумотларга кўра, республикаимиз ички ишлар идоралари ҳисобида ҳозир кўплаб гиёҳвандлар ҳисобда туради.

Туманимизда бундай шахслар 136 нафарни ташкил этади. Ёшлар ўртасида содир этилаётган кўплаб жиноятларнинг илдизи спиртли ичимликлар, наркотик моддаларга бориб тақалади.

Хўш, бундай зарарли иллатнинг томир отиб кетишига сабаб нима? Табиийки, бундай савол нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларини, балки ҳар бир фуқарони қизиқтиради, десак адашмаймиз.

Гиёҳвандликка қарши курашда кундалик амалий тезкор-қидирув ишлар натижасида унинг баъзи бир объектив ва субъектив сабабларини аниқлашга эришидик. Гиёҳвандликнинг илдиз отиб кетишининг энг асосий сабабларидан бири ерга бўлган эгасизлик ва ҳўжасизликдир. Чунки бундай «ажал уруғлари» тоғ ён бағирлари, сойликларга сеппилмоқда. Республикаимизда тоғ ён бағридаги ерларнинг кўп қисми ўрмон ҳўжаликларига қарашли бўлиб, ундан унумли фойдаланиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ана шу ерларда инсон учун зарур бўлган қишлоқ ҳўжадик маҳсулотлари етиштирсан бўлади. Бунинг ўрнига қаровсизлик ва ҳўжасизлик натижасида нопок шахслар ана шундай ерларга наркотик моддаларни экиш билан шуғулланмоқдалар.

Иккинчи сабаб: спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш қисқартирилиши ва нархнинг кескин ошиб кетишидир. Собик Иттифоқнинг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги 1985 йил май ойидаги қарори натижасида спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш кескин қисқартирилди. Натижада қўлбола спиртли ичимлик тайёрлаш ва сотиш билан бирга гиёҳванд моддалар экиш, сотиш қўнайиб кетди. Энг ачинарлиси

шуки, гектарлаб тоқзорлар йўқ қилиниб, Республикаимиз катта миқдорда иқтисодий зарар кўрди.

Учинчи сабаб: гиёҳвандликка қарши кураш тўғрисидаги қонунларнинг эскирганлиги ва заифлигидир. Бу борада, очирини айтиш керакки, республикаимиз ҳуқуқшунос олимларининг ҳам айблари бор. Республикаимизда гиёҳвандликка қарши кураш

ГИЁҲВАНДЛИККА ЧЕК ҚЎЙИБ БЎЛАДИМИ?

муаммолари бўйича талабга жавоб берадиган бирорта қўлланма, монография йўқ. Бизнинг энг асосий хатоларимиздан бири шундан иборатки, жиноятнинг қайси бир тури сезиларли даражада болалаб, бизни ташвишга солган тақдирдагина қонун ишлаб чиқиш тўғрисида ўйлаб қоламиз. Матбуотда бу тўғрида кўп гапирилмоқда. Шундай экан, гиёҳвандликка қарши жавобгарликни кучайтириш тўғрисида қонун ишлаб чиқиш фурсати келди.

Тўртинчи сабаб: ишсизликдир. Саноат, қурилиш ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналари кам бўлган туманларда, табиийки, ишсизлар сони ортади. Натижада баъзи нопок шахслар фойда орттириш мақсадида, гиёҳвандлик билан боғлиқ ана шундай жиноятга қўл уради. «Қорадори-92» тадбири мобайнида биз ана шундай шахслардан 93 нафарини аниқлаб, жиноий жавобгарликка тортидик. Улар бир-бири билан келишган ҳолда ўз томорқалари ва сойликларга — жами 51,5 квадрат метр жойга наркотик модда экканликларни аниқладик.

Бекор юрган, ҳеч бир жойда ишламайдиган баъзи шахслар «Бахмал» ўрмон ҳўжалигига қарашли тоғ ва қирликларга, тоғ-бегилари билан келишилган ҳолда, 5 гектарга яқин ерга гиёҳванд

жамоатчилигининг ҳам айби бор. Қишлоқ Кенгашлари, ҳўжалик, ташкилот раҳбарлари гиёҳвандликка қарши курашни фақатгина милиция ходимларининг вазифаси деб билмоқдалар. Республикаимиз Президенти И. А. Каримовнинг уюшган жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш борасидаги ташаббуси натижасида жуда кўп оғир жиноятларнинг олди олинди. Кўпгина жиноий гуруҳлар фош қилинди. Лекин, жиноятчиликка қарши курашга кенг жамоатчилик жалб қилинмас экан, прокуратура, суд, милиция органлари жиноятчиликка қарши курашда ожизлик қилишлари табиийдир. Шундай экан, гиёҳвандликка қарши курашда милицияга ҳокимият вакиллари, қишлоқ Кенгаши ходимлари, ўрмон ҳўжалиги, давлат ҳўжалиги вакиллари амалий ёрдам кўрсатишлари керак.

Олтинчи сабаб: ички ишлар идораларининг зона ҳамкорлигининг заифлигидир. Шунини алоҳида таъкидламоқчиманки, баъзи қўшни вилоят, республика ички ишлар идоралари бу масалага эътиборсизлик билан қарамоқдалар.

Мисол келтирмоқчиман. Бахмал тумани тоғ ёнбағирлари орқали Хўжанд вилоятининг

Панжакент тумани билан чегарадош. Ўтган йилги «Қорадори-92» тадбири давомида Панжакент туманининг торли ҳудудларида кўкнори экилган майдонлар тезда йўқ қилинмай қолди. Бу бевосита бизнинг иш-мизга салбий таъсир кўрсатмасдан иложи йўқ.

Шунинг учун «Қорадори-93» тадбирини қўшни туманлар ички ишлар бўлимлари ходимлари билан ҳамкорликда ўтказишни режалаштириб қўйдик. Ҳамкорликда гиёҳвандликка қарши кураш яхши самара бериши табиий.

Еттинчи сабаб: халқимизда гиёҳвандлик зарарли иллат эканлигини тушунтиришимиз лозим. Сўнгги пайтда қонунларга риоя қилиш, ҳар қандай жиноятчиликка мурасасиз бўлиш тўғрисида тушунтириш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги сезилмоқда. Ёшлар ташкилотлари, фахрийлар, кенгашлари, қишлоқ Кенгашлари вакиллари тўймаъракаларда, халқ йиғинларида бу борада тушунтириш олиб борсалар мақсадга мувофиқ иш бўлур эди. Ана шундай профилактика ишлари олиб боришда милиция ходимлари ҳам туб бурилиш ясашлари керак.

Президентимиз И. А. Каримов 1993 йил 4 март кунини жаҳоннинг етакчи журналистлари билан учрашувида гиёҳвандлик ва бангфурушликка қарши курашга тааллуқли саволларга жавоб қайтариб, Ўзбекистон яқин вақт орасида Интерполга аъзо бўлишини, республика «оқ ажал» етиштирувчиларга ва уни тарқатувчиларга нисбатан мурасасиз кайфиятда эканлигини таъкидлаган эди. Шундай экан, бундай зарарли иллатга қарши кескин курашиш ҳаммамизнинг вазифаси бўлмоғи керак. Шундагина биз «ажал уруғи»нинг илдизига болта ура оламиз ва у билан бевосита боғлиқ жиноятларнинг олдини оламиз.

А. САТТОРОВ,
Бахмал тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

Эҳтиёткорлик унутилганда

ЭХТИЁТКОРЛИК унутилса, масъулият тўла ҳис этилмасе турли кўнгилсизликлар келиб чиқади. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Шу йилнинг 12 июль кунигача бўлган йўл-транспорт ҳодисалари қайд этилган маълумотга назар ташлайдиган бўлсак, фалокатлар сони ўтган йилдагига нисбатан сезиларли даражада камайганлигининг гувоҳи бўламиз. Лекин кам бўлсада уларнинг содир бўлиб туриши кишини ташвишлантиради, ўйлашга мажбур қилади. Чунки бу аварияларнинг барчаси инсон ҳаёти билан боғлиқ.

Мисолларга мурожаат қиламиз. Шу йилнинг 1 июль кунини Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтақўпир туманида соат 16 лар чамаси ҳайдовчи Н. Сейдуллаев Урал-67 русумли, давлат рақам белгиси 34-83 КПБ бўлган автомашинанинг рулини бошқара олмай қолади ва автомашинани ағдарилиб кетади. Натижада ҳайдовчи воқеа жойида ҳалок бўлади.

Маст ҳайдовчилар ва уларнинг масъулиятсизликлари оқибатида келиб чиқаётган фалокатлар ҳақида ҳам жуда кўп ёзилган. Мастлик ҳар доим оғир оқибатларга олиб келишини ҳамма билади. Лекин шунга қарамасдан баъзилар маст ҳолда машина рулига ўтираверади.

Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрилик ҳайдовчи М. Аҳмадалиев ҳам маст ҳолда машина бошқариб, бир инсон умри бевақт тугашига сабабчи бўлди. У шу йилнинг 2 июль кунини соат 23 яримларда ўзининг ВА3-2105 русумли, давлат рақам белгиси Т 29-05 ТШ автомашинасини маст ҳолда бошқариб кетаётганда, 1962 йилда туғилган М. Амиркуловни уриб юборади. Натижада пиёда оғир тан жароҳати олиб, касалхонада вафот этди. Оқ арок инсон ичига кириб, ўзининг қора қилмишини яна бир бор кўрсатди.

Вояга етмаган болалар билан боғлиқ фалокатлар ҳам республикаимиз йўлларида ҳамон учраб турибди. Масалан, шу йилнинг 4 июль кунини Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманида кундуз соат 14 ларда ҳайдовчи И. Абдумунинов ўзига бириктирилган ГАЗ-53 русумли, давлат рақам белгиси 92-31 СДЛ автомашинасини бошқариб кетаётганда, 1988 йилда туғилган Б. Муҳаммадиевни уриб юборди ва гўдак нобуд бўлди.

Мана бу воқеалар эса ҳайдовчининг эҳтиётсизлиги оқибатида келиб чиққан. Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида 2 июль кунини эрталаб соат саккиз яримлар атрофида ҳайдовчи Т. Раупов КамАЗ-5511 русумли, давлат рақам белгиси 32-30 НВЛ бўлган автомашинани Ғалабаининг 40 йиллиғи кўчасидаги 16-йўл олдиндан орқа томони билан олиб чиқаётганида вояга етмаган С. Аллаёровни босиб кетади. Натижада бола ўша жойда ҳаётдан кўз юмади.

5 июль кунини соат саккизларда Наманган вилоятининг Чортоқ туманида ҳайдовчи Р. Абдуллаев ўзига бириктирилган ГАЗ-53 русумли, давлат рақам белгиси 17-45 НАГ бўлган автомашинани бошқариб кетаётганда, Чортоқ-Ҳазрат йўлининг 26 километрида машинани тўхтатмоқчи бўлади. Шунда тўсатдан эшик очилиб, унинг ёнида ўтирган йўловчи Г. Асанова машинадан тушиб кетади. Кутилмаганда содир бўлган бахтсизлик оқибатида олинган оғир тан жароҳатлари билан касалхонага келтирилган Г. Асанова шифокорларнинг ҳаракатларида қарамасдан вафот этади. Бу бир томондан қараганда бахтсиз ҳодиса, иккинчи томондан эса эҳтиётсизликдир. Чунки машина эшиги яхши ёпилиш-ёпилашмаслигини ҳам олдиндан текшириш керак. Ҳар не бўлганда ҳам бу ҳодиса бир инсон умрини бевақт ҳазон қилди.

Яна бир бор такрорлаймиз, аварияларни келтириб чиқарувчи сабаблар асосан қондаги рию қилмаслик, эътиборсизлик, ҳаракатнинг бошқа қатнашчиларига нисбатан ҳурматсизлик, шовма-шоварликдир. Агар мана шу камчиликларга йўл қўймасак, уларнинг сони сезиларли даражада камайиб кетарди.

М. РИХСИЕВ,
ИИБ ДАНБ инспектори, милиция катта лейтенанти.



ОЛМАЛИКДАГИ УЧРАШУВ

ОЛМАЛИК шаҳрида ўтказилган навбатдаги учрашув ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларининг ишлаб чиқариш ходимлари билан саноат корхоналари раҳбарияти ўртасида Чирчиқда бошланган мулоқотнинг бамисоли манتيкий давоми бўлди. Чирчиқдаги учрашув иштирокчилари билан бирга бу ерда Олмалик, Оҳангарон ва Ангрен ҳокимлари бошчилигида ана шу шаҳарлардаги барча йирик бирлашмалар, комбинатлар, заводлар ва қурилишларнинг салкам 20 вакили тўпланди.

Учрашув УЯ 64/45-муассасаси базасида ўтказилди. Унинг қатнашчилари олдида Ўзбекистон Республикаси ИИБ ахлоқ тузатиш ишлари бошқармасининг бошлиғи ички хизмат полковниги Э. Икромов, Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари А. Абдувосиқовлар сўзга чиқдилар, улар ўз сўзларида вилоят саноат корхоналари Ахлоқ тузатиш ишлари бошқармасининг корхоналари билан яқиндан алоқа ўрнатиши зарурлигини таъкидладилар.


Меҳмонлар ҳукм қилинганлар маҳорат билан

тайёрлаган маҳсулотлар кўргазмасини кўздан кечирдилар: бу ерда ўймакор жавонлар, курсичалар, нардлар, соат занжирлари, зираклар, авторучкалар, шунингдек бу ерда ишлаб чиқариладиган керамик плиткалар, пиёла ва бошқа нарсалар намойиш этилди. Қисқаси, бу ерда мавжуд барча резервлардан фойдаланилаётгани кўриниб турарди. Янада йирик, барқарор ишловчи заводлар зарур, зеро қувватлар бор, ишчи қўллар ҳам етарли.

Ана шу ижтимоий муаммо яна бир бор кун тартибига қўйилди.

С. НОРМУҲАМЕДОВ,
«Вақт» газетаси муҳаррири, ички хизмат подполковниги.

Суратларда: учрашувдан лавҳалар.
Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлари.



ҲОЗИРЛИК ҚИЗГИН

ҚАРШИ ШАҲРИДА вилоят мактаб ўқувчиларининг светофор мусобақаси бўлиб ўтди. Бу беллашувларда шаҳар ва туманларда ўтказилган светофор мусобақаларида ғолибликни қўлга киритган командалар иштирок этишди.

Кескин беллашувлар остида ўтган мусобақаларда ғолиблар аниқланди. Унда энг кўп — 49 ютуқ тўплаган Гузор тумани ўқувчилари ғолиблик шохсупасига кўтарилишди.

Шаҳрисабз шаҳридаги М. Бедил номли 13-ўрта мактаб ўқувчилари эса иккинчи ўринни эгалладилар ва республика светофор мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Мактаб ўқувчиларининг бу ютуқни қўлга киритишларида Шаҳрисабз шаҳар ички ишлар бўлими ДАН ходимлари ва «Ватанпарвар» мудофаага кўмаклашувчи ташкилоти, Шаҳрисабз автомобиль мактаби ўқитувчиларининг хизматлари айниқса катта бўлди. Улар бошқа мактаблардаги сингари мазкур мактабда ҳам тез-тез бўлишиб, ўқувчилар ўртасида йўл ҳаракати қоидаларини тушунтириш бўйича суҳбатлар ўтказиб турадилар.

Хусусан, шаҳар мактаблари ўртасида светофор мусобақаларини ташкил этишда ҳам улар ўқувчиларга яқин кўмакдош бўлишди.

М. Бедил номли мактаб ўқувчилари ҳам вилоят светофор мусобақасига пухта тайёргарлик кўрдилар. ДАН ходимларидан милиция капитани М. Ўрмонов, милиция лейтенанти Н. Холбоев, «Ватанпарвар» мактаби ўқитувчиси Каримов, 13-мактаб ўқитувчиси Ш. Халилов, Шаҳрисабз шаҳар ички ишлар бўлими ДАН ташвиқот ва тарғибот ишлари қоритувчиси, милиция катта лейтенанти И. Умаровлар уларга яқиндан ёрдам беришди.

Айни кунларда командалар ўқувчиларнинг республика мусобақасига қизгин ҳозирлик кўрмоқдалар.

Э. ЭШОНҚУЛОВ,
милиция майори.

МИЛИЦИЯ ФАХРИЙСИ

«Йиллар шамолдек ёлади», — дейилади халқ мақолида.

— Вақт ўтганини билмай ҳам қолдим, — деб кулимсирайди истеъфодаги милиция полковниги, Тошкентдаги Юнусобод тумани ИИБнинг собиқ бошлиғи Николай Васильевич Вахидов, — бир пастда 70 ёшни уриб қўйибман.

Ёш кўринадиган, ҳарбийларга хос ихчам гавдали бу киши катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. У нафақат Тошкент милициясининг тарихидан ўрин олган. 48 та керткли снайпер милтиғи Москвадаги собиқ СССР Қуролли Кучлари музейининг экспонатига айланган эди.

Кишининг ёши бир жойга етганда ўтилган умр поғоналари айниқса яққол эсга тушади. Снайперлик мактабини тугатган Вахидов ҳаракатдаги фронтга юборилди, Смоленск йўналишида жанг қилди ва 18 ёшда «Жанговар хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

— Снайпер фақат бир марта ўқ узди, — дейди у, — бунда ўқ узгандан сўнг дарҳол жойини ўзгартириш зарур. Акс ҳолда душман снайперининг ўқи аяб

ўтирмайди.

Николай Васильевични тақдир нафақат ўқ отиш нуқталарида аяди. Бир гал фашист снаряди жангчилар турган блиндажга келиб тушди. 58 жангчидан бор-йўғи еттитаси тирик қолди, улар ҳам контузия бўлган эди. Вахидов ярим йил госпиталда даволанди. Кейин яна фронтга йўл олди. Ғалабадан сўнг старшина Вахидов Москвада, «Саратов-Москва» газ қувурини қўриқлаш идорасида хизмат қилди. Лекин ўзи ўсган, кадрдонлари қолган Тошкентни соғинар эди.

Армия хизматидан бўшатилишидан 5 йил олдин Тошкентга отпусага келди. Снайпер уйга келганида, онасини кўрмади.

— Ойим қани?
— Онанг Бекободда, ўғлим. Сингисиникида.

Уйдагилар унинг дилини шум хабар билан ранжитишни истамаган эдилар, зеро у Улуғ Ватан уруши фронтларида жанг қилган, моҳир мерган сифатида донги кетган маҳалларда она вафот этган эди.

1949 йили армиядан бўшатилган Николай Васильевич

Тошкентга келди. Асли Оренбургда туғилган бўлсада, урушдан олдин Тошкентда, Шайхонтоҳур маҳалласида ўсган, мактабда ўқиган, 1941 йили Ички ишлар халқ комиссарлиги қўшинлари сафида хизмат қилишга жўнаган эди.

Кечаги аскар ички ишлар идораларида хизмат қила бошлади. Унинг бундан кейинги бутун ҳаёти республикамиз пойтахтида жиноятчиликка қарши кураш билан боғланди. Мирзо Улугбек туманида жиноят қидирувининг катта тезкор вакили, Яккасарой тумани ИИБ жиноят қидирув бўлинимаси бошлиғи бўлди, 1966 йилги зилзиладан сўнг Чилонзор тумани ИИБ бошлиғининг тезкор ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлади, 1968 йилдан бошлаб эса милиция подполковниги Вахидов Юнусобод тумани ИИБни бошқарди, шу ерда милиция полковниги бўлди.

Фахрийнинг қисқача хизмат варақаси ана шундан иборат. У таваккал қилиш ва қизгин иш билан тўлиқ ҳаёт йўлини босиб ўтди. М. Гребенюкнинг «Машина изни чалкаштиради» детектив

қиссаси бош қаҳрамонининг прототиби айни Вахидов бўлган.

— Урушдан кейинги йиллар жуда оғир бўлгани ҳаммамизга яхши маълум, — деб хотирлайди Николай Васильевич. — 50-йиллар охирида 2-Қорасув кўчасида пичоқ билан чавоқланган эркак кишининг мурдаси топилди. Ана шу сирли жиноятни очиш учун мен бошчилигимдаги тезкор гуруҳ бир неча кун қизгин ишлади. Натижада жиноят тўдасининг етакчиларидан бири бўлган Хохлавин ва унинг шериги қўлга олинди.

Олой бозори яқинидаги «Марказ-4» мавзесида тўққиз яшар қизчанинг жасади топилди. Уни Россиядан келган бандит

ўлдиргани аниқланди. Ички ишлар идоралари ходимлари жиноятчини Тошкент ГРЭСи атрофида ушладилар. У қилган жиноятини бўйнига олди ва халқ суди томонидан жазоланди.

Кейинги йилларда. Николай Васильевич Тошкент метрополитенини қўриқлаш бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлади. Бу ерда ҳам аҳвол энгил эмас эди.

Николай Васильевич виждонан хизмат қилди. Милиция фахрийси ҳаёти беҳуда ўтмаганидан мамнун.

С. МИЛУШЕВ.

Суратда: Н. Вахидов қизи Софья билан бирга оилавий суратларни кўздан кечирмоқда.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.



Кўп мамлакатларда турли қутқарув хизматлари мавжудлигини биламан. Ўзбекистонда ҳам тез ҳаракат қилиш отряди тузилганлигини эшитдим. Қутқарув хизматлари ва ана шу отряд ҳақида ҳикоя қилиб берсангиз.

Р. ҲОШИМОВ.

1966 йили зилзилани бошидан кечирган тошкентликлар табиий офат нималигини жуда яхши биладилар. Лекин фақат тошкентликларми? Ер юзиде яшовчи ҳар бир киши зилзила, сув тошқини, довул, қор кўчкиси билан тўқнаш келиши мумкин. Биз учаётган самолётлар, сузаётган денгиз ва дарё кемалари, сафар қиладиган поездлар ҳам хавф-хатардан холи эмас. Биз исталган лаҳзада қулфатга дуч келишимиз мумкин. Унда ким ердан беради?

Бир неча йил олдин Уфада юз берган темир йўл фалокатида биринчи бўлиб теварак-атрофдаги кишлоқларнинг аҳолиси ерданга етиб қолди. Қўлларидан келганларича ердан бердилар. Лекин уларнинг қўлларидан кўп нарса келдими?

Арманистонда зилзила еттинчи декабрда, юз берди. Қутқарувчиларнинг дастлабки

гуруҳлари фалокат зонасига кечкурун соат 10лардагина етиб келдилар. Кўп йиллик халқаро

ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ

статистиканинг гувоҳлик беришича, агар қутқарувчилар зилзила юз берган жойга дастлабки уч соат давомида етиб келсалар, тирик қолганларнинг 90 фоизини ўлимдан сақлаб қолишлари мумкин. Олти соатдан кейин уларнинг фақат ярмини қутқара оладилар. Беш кундан сўнг, сийрак учрайдиган ҳоллардан ташқари, ҳеч кимни қутқариб ҳам бўлмайди.

АҚШ қутқарув хизматининг ахборот тизими тўққиз йил давомида барпо этилган ва америкаликларга ўн миллиард долларга тушган. Тўлиқ жиҳозланган 300та алоқа қутқарув

маркази мамлакатнинг исталган нуктасидаги ҳар қандай фавқулодда ҳодисага бир лаҳзада муносабат билдиради. Сан-Францискодаги зилзиладан сўнг давлат қутқарув хизмати идоралари беш дақиқадан сўнг вазиятни тўла эгаллашган.

Табиий қулфатлар юз берадиган минтакаларда қутқарув хизматлари

идораси, Қизил Ярмий жамаияти Марказий кенгаши, Фуқаро муҳофаази, турли ихтисослаштирилган бўлинмалар, турист ва альпинистларнинг қутқарув хизматлари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Ана шу ташкилотларнинг кўплари ўз қутқарув бўлинмалари ва ту-

ихтисосликни эгаллаган. Яқинда қутқарувчиларнинг охириги ўн нафари профессионал ҳайдовчи бўлиш учун имтиҳон топиришди. Қирқ кишининг ҳаммаси парашютдан сакрай олади, сув остида акваланг билан ишлай олади. Биз учун бунинг аҳамияти катта. Зеро биз ўзимизни ўзимиз маблаг билан таъминлаётимиз.

Кейинги пайтда катта табиий офатлар юз бермади. Лекин ишсиз ўтираётганимиз йўқ. Бошқа ташкилотлар бажариши қийин бўлган ишларни қиляпмиз. Чунотчи, ҳозир йигитларимиз «Наврўз» саройининг 26 метр баландликдаги шипига ганч қопламоқдалар. Қурувчиларнинг ўзлари эса буни қилишдан бош тортдилар. Ўзбек-итальян «Ўзпластитал» қўшма корхонасидаги енгин оқибатларини йўқотаяпмиз.

Табиийки, буларнинг ҳаммаси асосий ишимизга ҳалал бермайди. Навбатчи бригадалар кечаю кундуз сергак турибди. Қутқарувчилар исталган лаҳзада ерданга келишга тайёрдилар.

Г. СЕРГЕЕВ.

ЁШЛАР ОРАСИДА жиноятчилик, айниқса улар мактабдан етти таътилга чиққан вақтларида кўпроқ содир этиладиган. Бундай ҳол кўп қатори Тошкент шаҳар ИИББ ходимларини ҳам қаттиқ ташвишлантиради. Ҳар ким ўзича хулоса юритди, ўйланди, изланди. Ишга астойдил киришган Жиноятчиликни олдини олиш бошқармасининг вояга етмаган болалар билан ишлаш хизмати нозир, милиция старшинаси Мурод Ражабовгина бунинг йўлини топандек бўлди. У ўз тақлифини раҳбариятга билдирди. Ҳамза туман раҳбариятига мурожаат этиб, ташаббусни қанот ездирдишга қўмаклашишларини сўради. Ташаббус кўпчиликка маъқул тушди. Айниқса, байналмилал жангчилар кенгашининг аъзолари ушбу ташаббуснинг қўллаб-қувватланиши ва амалга оширида жонбозлик кўрсатиди.

Уша йилиёқ Ҳамза тумани раҳбарияти томонидан сарф-харажатлар учун керакли маблаг ва



рўйхатида турган болалар саралаб жўнатилди.

Айни вақтда Кумушкондаги хушманзара тоғ бағрида жойлашган ушбу оромгоҳда 180 бола дам олмоқда, даволанмоқда ва шу билан бирга спорт ва ҳарбий машғулотларда чиниқмоқда. Бундан аввалги йилда манзилгоҳда

ниққан ва ҳарбий тайергарликларни ўтаб тажрибаси, маҳорати ортган ёшлар армия хизматида қақирилганларида ўз бурчларини аъло даражада бажаришларини яхши билишади.

Айни вақтда лагерларда болалар 3 ротага бўлинган. Яратилган барча қўлайликлар ва уч ой мобайнида бўладиган хизмат, таъминот текинга тушаётгани эвазига болаларга қўйилаётган бирдан бир талаб— берилган топшириқ ва белгиланган тартибга амал қилишдангина иборат бўлмоқда. Уларга мураббийлик қилаётган Тошкент шаҳар ИИББнинг ходимлари одобли бўлишлари, тартиб-қоидаларга сўзсиз амал қилишлари, ўзаро ҳурмат, аҳил муносабатда иш юритишлари каби инсонийлик туйғуларини шакллантирилиб, ҳақиқатни ёқлаш, ноҳақликка қарши курашишга ундашса, офицерлар ҳарбийча интизом ва машғулоти ўргатаётганлар.

Турли спорт ва санъат усталари эса ўз маҳоратларини келажак авлодга синдиришга, муносиб шогирдлар тайерлашга интилоқдалар. Тиббиёт ходимлари бошларида парвона бўлишса, пазандалар лаззатли таомларни тайерлаб, кўнгилларини хушнуд этиш ҳаракатида бўлмоқдалар.

Аҳоли, бинолар ва транспорт катнови гавжум шаҳарда яшаб, табиатнинг бекиес гузаллигини, осмонлар тоғларни, зилол сувларни кўришни, жаннатмакон жойларда бўлишни кўнглига тугиб юрган ўсмирларнинг умиди ушалмоқда. Бундай хайрли ишлар беиз кетмаслиги, натижасиз қолмаслиги шак-шубҳасиз. Зеро, соғлом авлодгина давлатни буюкликка кўтаришга қодирлигини ҳис этиб, юртимизда катта сазй-ҳаракатлар бошлангани, ёшларга катта эътибор берилаётгани бежиз эмас-да.

Абдурахим ХАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот хизмати ходими, милиция лейтенанти.

Суратларда: Кумушкондаги оромгоҳда.

ТАШАББУС ЁШЛАРНИНГ ҲАРБИЙ-СПОРТ ЛАГЕРИ

жиҳозлар ажратилди. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси раҳбарияти эса турли ташкилий ишларга бош-қош бўлиб турди. Натижада тоғ ён бағридаги хушхаво жойлардан бири — Кумушконда болаларнинг дам олишлари ва спорт билан шуғулланишлари учун барча қўлайликлар яратилган манзилгоҳ ҳозирланди. Қўзланган режага асосан у ерда дам олишга Ҳамза туманида истиқомат қиляётган, кам таъминланган, ерданга муҳтож оилаларнинг фарзандлари ҳамда ахлоқи ёмонлиги учун милиция

дам олган ўсмирлар сони бир мунча кўп эди. Қимматчилик ва иқтисодий қийинчиликлар ўз таъсирини кўрсатганди. Яхшиямки, ташаббустга хайрихоҳ бўлаётганлар кўпая бориб, баҳоли қудрат қўллаб-қувватлаб туришибди. 180 бола 3 ой давомида лагерда ҳордик чиқариши учун харажат миқдори 6 миллион сўмни ташкил қилмоқда. Бундан ташқари турли жиҳоз, буюм ва кийим-кечаклар билан таъминланишлари ҳам лозим. Бу борада Мудофаа вазирлиги томонидан ердан кўрсатилмоқда. Мудофаачиларимиз спорт билан чи-



“ТИКО” МИЛИЦИЯ ХИЗМАТИДА

ЯКИН КУНЛАРГАЧА бўлиб турибмиз. Бундан кейин жиноятчиликка қарши кураш ва халқ оқошиштирилиши таъминлаш каби масалалар биргина милиция ходимларининг зиммасига юклатилиб келинади. Гўёки бошқаларга алоқаси йўқдек, улар кўпчиликнинг назаридан четда туради. Милиция ходимлари ўз шарафли бурчларини ўташлари, ўта муҳим, машаққатли, масъулиятли ва хавфли хизматларини бажариш учун керакли бўлган зарур шарт-шароит, қўлайликлар, имкониятларнинг ҳаммасига ҳам эга эмасдилар. Мана, ниҳоят, уларга ҳам омад қилиб бокди. Жиноятчиликка, қонунбузарликларга қарши кураш умумхалқ иши эканлиги эътироф этилди. Яратилаётган турли шарт-шароитлар ва бирдамликда олиб борилаётган ишлар катта натижалар бераётганига ҳар биримиз гувоҳ

ҳамкорлик янада мустаҳкамланишига ишончимиз комил. Чунки бунга замин ҳозирланди. Кўпгина ташаббуслар тажрибада ўзини оқлаб, кўпчиликка сабоқ бўла бошлади.

Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлиги пойтахт ИИББнинг пост-патруль хизмати ходимларига 30 та енгил автомашина топширди. Улардан айримлари Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган “ТИКО” автомашиналари бўлиб, кўпгина қўлайликларга эга. Булардан ташқари, ҳокимлик видеотехникалар учун ҳам 30 миллион сўм маблаг ажратди. Яқинда милиция ходимлари Германияда ишлаб чиқарилган замонавий алоқа воситалари билан ҳам таъминланадилар.

Х. РАҲИМОВ.

ЭЪЛОН

Тошкент вилояти Қибрай (илгариги Оржоникидзе) тумани ҳарбий комиссарлиги томонидан 1983 йилда А. Г. Ахтямов номига берилган А № 60324 имтиёзли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Қидирилмоқда

Наманган шаҳар ИИБ томонидан 1975 йилда туғилган, 1993 йил 20 июнь куни эрталаб соат 10 да уйдан чиқиб кетиб бедарак йўқолган **Неъматжон Раҳимжонович Ҳамроҳўжаев** қидирилмоқда. У Наманган шаҳар Мингчинор мавзеси Адҳам Эрматов кўчасидаги 10-уйда яшаган.

Белгилари: бўйи 165 см, чап юзида думалоқ чандири бор, бугдой ранг.

Уша куни у оқ кўйлак, қора шим, янги “адидас” туфли кийган эди.

Н. Ҳамроҳўжаевнинг кейинги тақдирдан хабари бўлган ки-шилардан яқин орадаги милиция бўлимига ёки 02 телефони орқали хабар қилишларини сўраймиз.



Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармасининг балоғатга етмаганлар билан ишлаш бўлими нозир, милиция катта лейтенанти

Турғун ЖАББОРОВнинг узоқ давом этган оғир касаллиқдан сўнг вафот этганлигини билдириб, марҳумнинг она аъзоларига ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компьютериде терилди ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Г — 502, 34.089 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Босилиш — офсет усулида. Босишга топшириш вақти — 19.00. Босишга топширилди — 19.00.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, муҳбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент, Наврўз кўчаси, 1.